



46
(1364)-son
16-noyabr
2018

Xabar

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

АРХИВ ИШИ ВА АКТ
Йўллар яқин,
мушкуллар осон **3-бет**

**АЛОҚА
КОРХОНАЛАРИДА**
Муваффақиятлар
ўзи келмайди **4-бет**

САРҲИСОБ
Дилшод КОМИЛОВ:
Олдимизда катта
вазифалар турибди **5-бет**

АКТУАЛЬНО
Разъяснение от АН
"Узбектелеком" об
увеличении скорости
интернета через
15 дней **6-бет**

ХАВФСИЗЛИК
Компьютер вирусла-
ридан ҳимояланиш
усуллари **7-бет**

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
Битта уруш хотирланди,
иккинчи урушнинг эса
"инига чўп сўқилди" **13-бет**

ОНЛАЙН ТИЗИМ
Ўзбекистонда барча
спорт иншоотларининг
онлайн мониторинг
тизими яратилди **15-бет**

САЛОМАТЛИК
Кўзларингиз
чарчадимиз? **16-бет**

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ

Ўзбекистон Респуб-
ликасида 2025 йилга қадар
туризмни ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисидаги
фармон лойиҳаси жамо-
атчилик муҳокамасига
(regulation.gov.uz) қўйилди.
Унга кўра, Ўзбекистонда
2025 йилда:

- туризмнинг иқтисодий-
даги улуши **5 ФОИЗГА**
- сайёҳлар сони
7,2 МЛН. нафарга
- туризм экспорти
2 МЛРД. долларга
етказилади.

Ўзбекистонда электрон тижорат:

Тадбиркорларга қандай имтиёзлар бериласи?



Бугунги кунга келиб ҳукуратимиз олдида электрон бизнес жараёнларини осонлаштирувчи мобил пул платформаларини ишлаб чиқиш ва электрон технологиялардан фойдаланишни рағбатлантирувчи, электрон тижоратнинг зарур инфратузилмасини ривожлантирувчи, интернет тармоғи воситасида битимлар тузишга бўлган ишончни оширувчи, шунингдек, киберхиноятларга қарши тура оладиган самарали ҳуқуқий асосни шакллантириш бўйича муҳим вазифалар турибди.

8-9-бетлар▶

ТАШАББУС

ЭЗГУЛИК УЙФОНГАН КУН

14 ноябр — Жаҳон қандли диабетга қарши қурашиш куни. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетини талабалари шу куни Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бўлишди.


Мақсад қандли диабетга чалинган болаларнинг кўнглини кўтариш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш эди. Талабаларимиз қўлларидан келганича ўз чиқишлари ва совғасаломлари билан болаларга қувонч улашишга ҳаракат қилишди.

Шу ўринда таъсирли ва ибратли бир воқеани айтиб ўтиш керак. Хайрия учун йиғилган пулларга инсулин шприци олиш учун дорихонага кирганимизда, мақсадимизни билган дорихона эгаси икки қўти шприцини ўз ёнидан берди. Пулимизни олмади. Қувончимизни кўрсангиз эди. Кимнидир мақтамоқчи эмасмиз, аксинча, бундай инсонлар кўпайишини истардик.

Хайрия иши учун яқиндан ёрдам берган барча инсонларга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Зулфизар БОТИРОВА,
ТАТУ Ёшлар
медиа гуруҳи раҳбари





ХТВ ва DELL ҲАМКОРЛИГИ

Мақтабларда ИТ-инфраструктура ривожлантирилади

► **Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 9 ноябр куни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ҳудудлар аҳолисини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар натижаларини таҳлил қилиш ва истиқболдаги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

► Президент Шавкат Мирзиёев 11 ноябр куни Полша Республикаси мустақиллигининг 100 йиллиги муносабати билан Президент Анжей Дудага табрик йўллади.

► 13 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Суҳбатда давлат раҳбарлари кенг қўламда икки томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва уни олий даражада эришилган келишувлар доирасида ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

► Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида 14 ноябр куни Италия ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири ўринбосари Манлио ди Стефано бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Шу куни Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон – Италия сийсий маслаҳатлашувларининг олтинчи давраси бўлиб ўтди. Мулоқотда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

► **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентини имзолаган "2019 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги фармон ҳамда "Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор эълон қилинди.**

► Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар иттифоқи кенгашига Президент совғаси – "Иеузу" автобуслари, "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман бўлимларида эса 16та "Спарк" хизмат автомашиналари топширилди.

Американинг DELL компаниясининг Қозоғистон ва Марказий Осиё бўйича бош директори Нурлан Садиқов бошчилигидаги делегация Ўзбекистон халқ таълими вазирлигига ташриф буюрди. Учрашув доирасида меҳмонлар Ўзбекистон халқ таълими тизимида олиб борилаётган ислохотлар билан танишдилар. Шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти халқ таълими тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий этиш бўйича қўйган вазифалар таъкидлаб ўтилди.

Томонлар учрашувда Ўзбекистон мактабларини рақамлаштириш ва ахборот технологияларини ривожлантиришда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш масалаларини кўриб чиқдилар.

Учрашув давомида таъкидланганидек, ҳозирда Ўзбекистондаги 9,7 мингта яқин мак-



таблардан фақатгина 35 фоизи замонавий компютер ускуналарига эга ва 10 фоизи юқори тезликдаги интернетга уланган. Президент томонидан яқин уч йил ичида барча мактабларни компютер ва интернет алоқаси билан таъминлаш вазифаси юклатилган.

Нурлан Садиқов Dell компаниясининг Қозоғистонда электрон синфлар, кутубхоналар ҳамда ўқувчилар учун интернет тизимини яратишда-

ги тажрибаси ҳақида гапириб берди. Унинг айтишича, Dell компанияси Ўзбекистон таълим муассасаларида ИТ-инфраструктурасини яратиш учун ўз тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёр.

Учрашув якунига кўра, томонлар Ўзбекистон мактабларида замонавий ИТ-инфраструктурасини яратишда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш масалаларини ўрганиб чиқишга келишиб олдилар.

ИЛК БОР

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР GDG-DEVFEST ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Google Developers Group (GDG)нинг асосий тadbirlaridan бири бўлган GDG-DevFest дастурчилар фестивали илк бор Ўзбекистонда бўлиб ўтди. Фестивал 24 ноябр куни Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетида ташкил этилиши режалаштирилган.

Тadbir GDG Tashkent гуруҳи, IUT, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Google компанияси, Халқ таълими вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида амалга оширилди. GDG-Tashkent – DevFest фестивалида иштирок этиш учун Google компаниясининг мутахассиси Эли Каплан Тошкентга ташриф буюрди.



Фестивал Google Developers Group жамоалари томонидан ҳар йил ўтказиладиган глобал тadbirlardan биридир. Ушбу тadbir доирасида дастурчилар, ИТ-мутахассислар ва янги технологияларга бефарқ бўлмаган кишилар Google компаниясининг сўнгги технологиялари ва ишланмалари билан танишдилар.

Фестивалда маҳаллий ва

хорижий мутахассислар билан ахборот технологиялари соҳасидаги сўнгги тенденциялар кун давомида муҳокама қилинади. Хусусан, иштирокчилар блокчейндан фойдаланиш, мобил иловаларни яратиш, VR/AR технологияларини бизнесга ишлатиш ва бошқа мавзулардаги муҳокамаларда иштирок этадилар.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йилдан бошлаб IUT ёш мутахассислар учун Google I/O Extended Tashkent конференциясини ўтказиб келмоқда. Конференция ўзбекистонлик ёш мутахассисларни Google компаниясининг инновацион ечимлари билан танишиш учун ўзига хос платформа сифатида хизмат қилмоқда.

УЧРАШУВ

ТАТУ ЖАНУБИЙ КАРОЛИНА УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН МУЗОКАРА ЎТКАЗДИ



университетида Жанубий Каролина университети (АҚШ) меҳмонхона, ресторан ва сайёҳлик менежменти факултетининг директори жаноб Мартина Дрю ва ушбу университетнинг чакана савдо кафедраси муdiri Марк Розенбаумлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Маълумки, мазкур муассаса Жанубий Каролина штатининг йирик университети ҳисобланиб, 1801 йилда очил-

ган. Университет таркибига 122 йўналиш бўйича ўқув дастурларини тақлиф этувчи 16 коллеж кирди.

Учрашув чоғида ТАТУ билан электрон тижорат, маркетинг, режалаштириш, миқдорларга хизмат кўрсатиш соҳаларида академик ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, ТАТУ талабалари учун бизнес-класс ташкил қилинди.

13 ноябр куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари

ЙЎЛЛАР ЯҚИН, МУШКУЛЛАР ОСОН

Замон шиддат билан ривожланаётган, бугун ишлаб турган техника ва технологиялар эртага ўз ўрнини янгисига бўшатиб бераётган ҳозирги даврда бирорта корхона, ташкилот ёки муассаса йўқки, у ерга ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган, ходимлар интернетнинг чексиз имкониятларидан фойдаланмаётган бўлсин. Бу имкониятлар минглаб инсонларнинг меҳнат фаолиятига оид ҳужжатларни ўзида жамлаган архивларда янада қўл келяпти. Айниқса, бир вақтлар ўзи меҳнат қилган манзилдан узоқда яшаётганларнинг интернет туфайли йўллари яқин, мушуқуллари осон бўлмоқда.



Бунга Тошкент вилоятининг Куйичирчиқ тумани идораларо ҳўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб ҳўжалари архиви бўлганимизда яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

— Идорамиз 2000 йили Оққўрғон архив идорасидан ажралиб чиққан, — дейди архив директори Сафарали НОМОЗОВ. — Куйичирчиқ туман ҳокимининг ёрдами билан илгари каноп заводи идораси бўлган бино таъмирланиб, архивга мослаштирилган. Ҳозир

идорамизда ходимларнинг самарали меҳнат қилишлари учун ҳам, ҳўжатларни бета-лафот сақлаш учун ҳам ҳамма шароит бор. Хоналар иссиқ, ҳаво бемалол айланади, сигнализация ишлаб турибди.

Бизда асосан фуқароларнинг шахсий иш фаолиятига боғлиқ ҳўжатлар ҳамда фуқаролар йиғинларидаги ҳўжалик китоблари сақланади. Айни пайтда 287та ҳўжалик, корхона ва ташкилотлардан жами 22 987 сақлов бирлигидаги ҳў-

жатлар мавжуд. Архивимизда учта доимий ва иккита вақтинчалик сақлов хонаси бўлиб, ходимлар ҳар бир ҳўжатни авайлаб сақлашапти. Айрим ҳўжатлардаги ёзувлар сифатсиз қоғозга ёзилгани ҳолатида улар таъмирланиб, жилди янгиланиб, алоҳида жойларга қўйилапти. Мавжуд қондага асосан асосий хонадаги ҳўжатлар бу ерда 75 йил, вақтинчалик хонадагилар эса 5 йил сақланади.

Компютерларимиз интернетга доимий уланган. Сабаби, интернет орқали юқори ташкилотимиздан ёки бошқа архивлардан маълумотлар, сўровномалар қабул қиламиз. Ушбу сўровномалар асосида фуқароларнинг иш фаолияти ҳақидаги маълумотларни тайёрлаб, уларга юборамиз. Шу тариқа олис масофада яшовчиларнинг узоғи яқин, мушуқули осон бўляпти. Шунингдек, шахсий илтимос билан муружаат қилаётганлар ҳам бор. Уларга бериладиган маълумотлар эса хатжилд орқали жўнатилади.

Сафарали Номозов бизга Россия Федерациясининг Лиски шаҳрида яшовчи Рамзия Маҳмудова меҳнат фаолиятига оид маълумотни кўрсатди. Р.Маҳмудова томонидан йўланган хат 270-рақам билан рўйхатга олинди, унинг етиб келган санаси, ижро муддати кўрсатилган. Муружаатчининг иш фаолияти ҳақидаги маълумотлар аввал қўлда ёзи-

либ, сўнгра компютерда кўчирилган. Муҳр қўйилиб, директор имзоси билан тасдиқланган ушбу ҳўжат хатжилдга солиниб, эгасига юборилди.

Дарҳақиқат, интернетнинг қулайлиги туфайли Р.Маҳмудованинг йўл учун сарфланажак пули ёнига қолди, ҳам вақти тежалди — уйда ўтирган ҳолда керакли маълумотга эга бўлди. Сафарали Номозовнинг айтишига қараганда, бир йилда ўртача 2000тагача ана шундай хатларга жавоб йўлланмоқда экан.

Биз бу ерга келганлардан бири билан суҳбатлашдик.

— Мен Қозғистондан келдим, — дейди Нурмуҳаммад Токхўжаев. — У ерга кўчиб борганимга анча йиллар бўлсада, Куйичирчиққа тез-тез келиб тураман. Аввало, Ўзбекистон юрагимнинг бир парчаси, болалигим, қизгин меҳнат билан банд жўшқин ёшлигим шу ерда ўтган. Қолаверса, бу ерда қариндошларимиз яшашиди. Қарасам, пенсия ёшига ҳам етиб қолибман. Бирйўла архив маълумотномасини ҳам олиб кета қолай, деган мақсадда келган эдим. Бу ердагиларга раҳмат, маълумотномани тезда тайёрлаб беришиди.

Биз ҳам эл хизматида қармбаста бўлаётган архив ходимларига ишларида муваффақият тилаймиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
“Xabar” муҳбири

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ОИЛАДА ШАХС ШАКЛЛАНАДИ

Ўзбек — болажон халқ. Болага нисбатан багрикенлик, меҳридарёлик, ўта фидойилик халқимизга хос хусусиятлардир. Шу боисдан ота-оналаримиз фарзандларнинг пухта билим олишлари, қизиқишлари бўйича касб-хунар эгаллашлари учун зарур имкониятларни яратдилар, ахлоқ-одоб қондаларини ўргатишга масъулият билан қарашади.

Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да бўлиб ўтган навбатдаги тадбир айнан оила, фарзандлар тарбияси масалаларига бағишланди. Тадбирга таклиф этилган Тошкент вилояти бош имом хатиби ўринбосари Нурали Мавлонов оилалар мустаҳкамлиги, фарзандлар камолоти ҳақида мазмунли маъруза қилиб, ҳарбий қисм шахсий таркибининг мавзу бўйича билимларини янада кенгайтириб, маънавий юксалишига ҳисса қўшди. Маърузачи муқаддас ислом динида оила бўйича буюрилган амаллар, оилавий муносабатларнинг барча жиҳатлари, айниқса, эр-хотин ўртасидаги ўзаро тотувликнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ҳақида

ҳам диний, ҳам дунёвий маълумотлар асосида фикр юритди.

— Оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатлар, ахлоқий-миллий қадриятлар сақланади ва ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маънавий ҳаёт пойдевори қўйилади ва мустаҳкамланади, — деди жумладан маърузачи. — Оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳўкм суради.

Дарҳақиқат, бола тарбияси кенг қамровли, узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу жараён турмуш қурадиган йиғит ва қизнинг бир-бирига ҳар томонлама муносиблигидан бошланади. Бўлажак ота-онанинг соғ-саломатлиги, насл-насаби, дунёқароши, ахлоқ-одоби, моддий ва маънавий даражасининг мослиги, турмуш қуришига ҳар томонлама тайёрлиги фарзанд кўриши ва унинг тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, маърузачи эр-хотин, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги соғлом маънавий муҳитга ҳам тўхталиб, баъзан оилада учрайдиган эр-хотин, қайнона-келин ва бошқалар ўртасидаги ҳурматсизлик, низо, уруш-жанжаллар, ҳомиладор аёлни авайлаб-асраш ўрнига оғир меҳнатга мажбурлаш боланинг жиззаки, касалманд, ҳатто ногирон туғилишига олиб келишини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берди.

Маърузадан сўнг Н.Мавлонов Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси муфтий Усмоноҳон Алимов ҳазратларининг “Оилада фарзанд тарбияси” китобининг тақдимотини ўтказиб, китоб ва ушбу мавзу асосидаги саволларга жавоблар берди.

Тадбир якунида “Оилада фарзанд тарбияси” китобининг ўн та аудио диски бошқарма кутубхонасига совға қилинди.

Абдуқодир ОТАБОВЕВ,
МАТБ маданий ҳордиқ
ишлари бўйича катта
офицер — клуб бошлиғи

ИНТЕРНЕТ
ОРҚАЛИ
СОТИЛАДИГАН
ТОВАР ВА
ХИЗМАТЛАР
ЭКСПОРТИ
БЎЙИЧА ЯНГИ
ҚОЙДАЛАР
ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги “Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ 2019 йил 1 январдан жисмоний шахсларга умумий қиймати 5 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган товарларни боғхона декларацияси тақдим этмасдан Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга руҳсат этилди.

Товарларни “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг республикамиздаги исталган худудий алоқа бўлимлари орқали жўнатиш мумкин.

МУВАФФАҚИЯТЛАР ЎЗИ КЕЛМАЙДИ

Бунинг учун меҳнат,
меҳнат ва яна меҳнат қилиш керак

Бешариқ – тобора янгиланиб, шаҳарга хос қиёфа касб этаётган туман маркази. Савдо расталари, супермаркетлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, корхоналар... аввалгидан бутунлай ўзгача кўрунишда. Кундан-кунга чирой очмоқда. Бунда Бешариқ телекоммуникациялар боғламаси жамоасининг ҳам хизматлари салмоқли. Zero, туман халқининг маънавий ва моддий ҳаёти ортида соҳа азаматларининг захматли меҳнатлари ётибди.



● Суратда: Устоз ва шогирд — Фуломжон Турсунов (чапда) ҳамда Баҳодиржон Маматқулов.

Боғлама биносига қадам кўйишингиз билан бу маскандаги илиқ муҳитдан энгил тортасиз. Сизни ёқимли чехраларига ярашқили табассум билан қарши олишади. Мурожаатингизни диққат билан тинглаб, ҳал қилиб беришади. Мижозларга эҳтиром доимо шундай бўлиши керак, албатта. Шулар ҳаёлимдан ўтаётган дамла биногона нуруний онахон аста кириб келди. Қизлар онахонга хурматан ўрниларидан туриб саломлашдилар:

— Ассалому алайкум, ўғилой опа, яхши юрибсизми? Келинг!

Қизларнинг баравар ҳурмат ила саломлашувлари онахонни дилланттирди, чехраси ёришди. Бир зумда мурожаати қондирилди ва хизматлар офиси ходималари онахонни тавозе билан кузатиб қолишди. Ёши улғу мижознинг “Жонларинг омон бўлсин, қизларим!” дея дуолар айтишида ажиб бир эзгуликлар бор эди!

Газетанинг ёрдами катта

Яна бир мижоз бошланғич синф ўқитувчиси Дилсора Каримованинг сўрови имкон қадар қисқа муддатда қондирилишини айтишди. Уларнинг маҳаллаларига ҳали оптик толали кабел тортилмаган экан. “Келгуси йил насиб этса, таълим сайтларидан бемалол фойдаланадиган бўласиз”, дея узр айтилди. Шу ўринда таъкидлашим лозимки, бу навқирон педагог қиз газетамизнинг фаол ўқувчиси экан. “Менинг укам Қадамжон — ҳарбий хизматчи, катта лейтенант. Унинг қисми “Хабар” газетасига обуна бўлган экан. Мана бир йилдан ҳам ошди, укам менга ҳар ҳафта янги сонини олиб келади. Алоқачи бўлмасам ҳам маъна қилиб ўқийман. Газетада чоп этилган материаллар менга кўп нарса беради. Дарсларимда АКТдан фойдаланишда “Хабар”нинг ёрдами катта бўляпти, десам, ишонаверинг, — деди

у. — Газета таҳририятига, ижодкорларига раҳмат. Мухбири билан танишганимдан хурсандман”.

Олтин олма дуо ол

— “Ҳеч бир мижоз бу даргоҳдан норизо бўлиб чиқиб кетмаслиги керак!” — бу бизнинг шоримиз, — дейди хизматларни сотиш офиси менежери Адибахон Турсунова. — Бўлмасам-чи, улар хизматларимизга ҳақ тўлайдилар. Гарчи шундай бўлса-да, мана, ўзингиз ҳам гувоҳи бўлдингиз, ҳаққимизга дуолар айтиб, кўнглимиз осмонларини ёритгандан ёритиб юборадилар. Олтин олма дуо ол, дейдилар-ку. Бу кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшади...

Одамларга меҳр-эҳтибор қўрати, уларни тушуниш, қадрлаш фазилатлари кўп нарсага қодир. Бежиз хитой файласуфи Конфуций “Одамлар сени тушуналар — бахт, одамлар сени севсалар — катта бахт, агар ўзинг одамларни сева олсанг бу — ҳақиқий бахт” деган ҳикматни ёзиб қолдирмаган. Вақт ва имконият — бу икки нарсани бой бериб бўлмайди.

Мижоз доимо ҳақ

Боғлама бошлиғи, соҳанинг оқу қорасини беш қўлдай биладиган исми жисмига монанд Баҳодиржон Маматқулов фикримизни тасдиқлагандай бўлди:

— Ҳар қандай вазиятда ҳам мижоз ҳақ — бу биз алоқачилар учун ҳам қатъий қоида бўлиб қолган, — дейди у. — Эришяётган камтарона ютуқларимиз асосида ҳам ана шу ёзилмаган қоидага каттиқ риоя этишимиз ётади. Қолаверса, фаолиятимизга янги технологиялар жалал кириб келаятгани ҳам биз телекомчилардан энди ишга бошқача ёндашишни, фавқулодда шижоат ва жасорат кўрсатиб ишлашни талаб этмоқда. Уч йиллик модернизация ишларини атай. 2016 йилнинг март ойида “Бешариқтекстил” МЧЖ корхонасига SWITCH қурилмаси ўрнатилди. Ўтган йилнинг бошида “Беш юлдуз” хусусий корхонасига ҳам 0,8 км.лик оптик толали

кабел тортилиб, SWITCH қурилмаси ўрнатилган бўлса, июн ойида Зарқайнар ҚФЙдаги интернет, IPTV, телефон хизматлари билан таъминлаш мақсадида 4,17 км. оптик толали кабел тортиди ва 192 порт сиғимли мини MSAN қурилмаси ўрнатилди. Бундан ташқари, Рапқондаги АТС DSLAM 96 портли станцияга алмаштирилди... Кўриб турибсизки, технологиялар шиддат билан ўзгариб, ақлни шошириб қўйяпти. Янги технологиялар янги чашма мажбур қилмоқда. Истасангиз ўқиб изланинг ва керакли кадр бўлинг, қўлингиздан келмаса... нонингизни бошиқ соҳадан топинг... Тўғри, ҳали ҳеч кимга бундай талаб қўймадик. Лекин, бошни ишлатганга аён — аччиқ ҳақиқат бу. Бироқ, шуниси ҳам борки, тафаккур ишга солинса, мураккаб ишнинг, уддалаб бўлмайдиган юмушнинг ўзи йўқ. Ҳамама бало оддий ишни ҳам баъзан ўзимиз мураккаблаштириб ташлашимизда.

Ўзингиз хулоса чиқаришингиз мумкин: умумий мижозларимиз сони 1436 нафарга етди. Бултур бу кўрсаткич 700 нафар эди. Даромад режаларимизни ортини билан бажарялми. Очиги, булар ўз-ўзидан келмади. Анча тер тўқдик. Бу ишларда жонбозлик кўрсатган монтёрлар Элмуроджон Эгамбердиев, Шухратжон Тошпўлатов, кабел пайвандовчи Бахтиёр Хусановларнинг иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай ишлаганларини алоҳида тилга олгим келади. Фидокорона меҳнат қилиш хизматларни сотиш офисидан менежер Адибахон Турсунова, оператор Сиддақон Хайдарова, мижозлар бўлими бошлиғи Дилдоракон Усмоновларнинг ҳам қон-қонига сингиб кетган. Бошқача ишлашни тасаввур қилолмайдингандар сафида АТС етакчи муҳандиси Анваржон Маматов ҳамда Асилхон Ганиева қабилад ҳам бор. Шунинг ҳам айтиб ўтишим жонзик, 2019 йилнинг баҳоридан Тошарик ва пахта заводи ҳудудларига қурилмалар ўрнатиш режасини амалга ошириб олсак, турган гапки, ишимиз янада ривож топади.

Бирдамлик бор жойда файз-баракка бор

Бешариқлик телекомчилар билан фурқатлик телекомчиларнинг ҳамжиҳатлиги аънава тусини олган. Бунга Фурқат телекоммун-кациялар боғламаси бошлиғи Фуломжон Турсуновнинг бебаҳо инсон эканлиги бир сабаб бўлса, яна бир сабаб бу серқирра инсон Баҳодиржон Маматқуловга алоқанинг алифбосидан бошлаб ўрганган устоз эканлигидир. Бир сўз билан айтганда, Фуломжон акани ҳамма ўзига меҳрибон устоз деб билади, юзидан мулоқимлик, донолик уфуриб турган устоз Турсуновни эъозламаган, олтинга тенг ўғитларидан баҳраманд бўлмаган телекомчининг ўзи йўқ. Шуниси қувончлики, устоз шогирдлик аънарасини ёшлар ҳам давом эттиришмоқда.

— Абдулазиз ака Абдулатипов билан тезда тил топишиб, иноқлашиб кетдик, — дейди Фурқат ТБ етакчи муҳандиси Паҳлавонжон Ҳасанов. — ТАТУ Фаргона филиалини тугатганимга эндигина уч йил бўляпти. Устозимнинг билим-тажрибаларини эринмай ўрганялман. Бир йилча филиалда ишлагандим. У ерда ишлаш ёқимли. Бироқ, соҳани ич-ичидан билганга, тажрибани тўхтовсиз ошириб борганга етмас экан. Устозим менинг реклама, менежмент бора-сидаги билим-кўникмаларимни ошириб боришга йўналтирди. Ҳозир биз мижозларни кўпайтириш чора-тадбирлари ҳақида беш қўтирялмиш. Асл мижозлар ким бўлиши мумкин? Албатта, хорижда қариндош-уруғлари борлар, фарзанди чет элда ишлаётган ота-оналар, олий ўқув юрти талабалари, битирувчилари, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ва ҳоказо... Рекламатижорат бўйича фаолиятимизни кучайтириш борасида ҳамкасбларимизнинг фикр-мулоҳазаларини, таклифларини ўрганялмиш, таҳлил қилялмиш...

Фурсати келганда иккала жамоани шодумон этган бир воқеани эсга олмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Бир кунги соҳа филойиси Фахриддин Камолитдин Фуломжон Турсуновнинг 55 ёши муносабати билан кутлов мақсути чоп этилган “Хабар” газетасининг 43-сонини олиб келиб қилибди. Байрам бўлиб кетибди ўзиям! Яна табриклар, яна кутловлар бошланибди. Ҳа, ана шундай, меҳнатларингиз қадр-қиммати газетала эътироф этилиши... билан инсон учун битмас-туганмас бахт бу, саодат бу. Кейин юбиларга филиалнинг пул мукофоти ва Фахрий ёрлиғи ҳам тантанали равишда топширилибди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Хабар”нинг Фаргона
вилоятидаги мухбири



● Суратда: Бешариқ ТБ ходималари.

Тафаккур
ишга солин-
са, мурак-
каб ишнинг,
уддалаб
бўлмайдиган
юмушнинг
ўзи йўқ.

«М Дилшод КОМИЛОВ: ОЛДИМИЗДА КАТТА ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ

Мамлакатимизда жадал суръатларда олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари тобора кўпайиб, юртимиз жамоли янада гўзллашиб борапти. Ушбу бунёдкорлик ва ўзгаришларда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги ташкилотлардан бири — “ALOQALOYINA” давлат унитар корхонаси бунёдкор-лойиҳачиларининг ҳам ўз ўрни, муносиб улуши бор.

Корхона директори Дилшод КОМИЛОВ мухбиримизга йил қандай яқунланаётгани ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Корхонамиз фаолиятининг асосий йўналиши лойиҳақидирув ва турли алоқа иншоотларини лойиҳалаштириш, маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация, радиоэшиттириш, телевидение, радиоалоқа, маълумотларни узатиш, автомат бошқариш мажмуалари, почта алоқаси корхоналари, ишлаб чиқариш ва фуқаролар қурилиш объектлари технологик ва муҳандислик қурилмаларини қидирув-лойиҳалаш ишларини амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “O’zgariv” агентлиги Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги ташкилот ва компаниялар ҳамда “Unitel”, “UMS” МЧЖлар, “COSCOM” ХК, шунигиндек, “ОТМК”, “Ўзметкомбинат”, “Ўзбеккўмир” очиқ акциядорлик жамиятлари, “ЎзТрансгаз”, “INDUSTRY TECHNOLOGIES FINANCIAL CORPORATION LTD” (Буюк Британия), “HUAWEI LTD” (Хитой), “ZTE investment” (Хитой) каби хорижий компаниялар ҳамда “EAST TELEKOM” МЧЖлар бизнинг буюртмачи ташкилотларимиз ҳисобланади.

2016 йил 26 мартда ISO 9001-2015 халқаро сифатни бошқариш стандарти сертификатига эга бўлганлигимиз корхонамизда фаолият юритувчи ҳар бир ходимни ўз устида тинмай ишлашга, ҳар бир вазифани сифатли бажаришга ундаётди.

Бугунги кунда корхонада техник ва лойиҳаларни жамлаш, станция ва антенна-мачта иншоотлари, РРЛ ва радиоалоқа, геология ва топография, линия иншоотлари, смета бўлимлари фаолият кўрсатаяпти.

Бу бўлимларда лойиҳа ва смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича юқори малакали мутахассислар иш юритиб, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Улар орасида ўзининг самарали меҳнати билан хурмат



Суратда: Бўлим бошлиқлари — Нигора Ҳамдамова (чапда) ва Дилрабо Абдурахмонова.

қозонган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига 25 йил” эсдалик нишони соҳиби — корхона бош бухгалтери Маргарита Эмирова, “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони соҳиби бош муҳандис Камолитдин Жалолитдинов, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланган радиореда линиялари ва радиоалоқа бўлими етакчи мутахассиси Сайёра Ҳайдарова, “Ўз касбининг устаси” белгиси нишондорлари — бўлим бошлиқлари Жамшид Хорунов, Дилрабо Абдурахмонова, Галина Маховская, бош мутахассислардан Александр Ким, Абдумалик Аҳмедовлар бошқаларга намуна бўлишяпти.

Яқунлинишига бир ойдан ортиқроқ вақт қолаётган 2018 йилда корхонамиз лойиҳачилари томонидан бир қатор лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

EVO бренди остидаги Super imax корхонасининг ҳамда “Unitel” компаниясининг республика бўйлаб РРЛ (радиореда қурилмалари), “Ўзбектелеком” АКнинг магистрал линиялари геозахираси, “Ўзавтойўл” АКнинг республика бўйлаб қайта қурилаётган ва кенгайтирилаётган йўлларидagi алоқа линияларини кўчириш, “ЎзМобайл” филиалининг республика бўйлаб GSM ва CDMA тармоқларини

кенгайтириш, “PPTM” ДУКнинг Тошкент телеминораси электр қурилмалари модернизацияси ва минорани бўйлаш, “UMS” МЧЖнинг мавжуд база станцияларини таъмирлаш ишларига смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш лойиҳалари шулар жумласидандир.

“ALOQALOYINA” давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги “Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Низом жамгармасида давлат улуши камида 51 фойзга ташкил этилган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари рўйхатига киритилган ва корхонага ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодийнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тақлифлар тайёрлаш каби ўнга яқин муҳим вазифалар юклатилган.

“ALOQALOYINA” давлат унитар корхонасининг ташкил этилганига ҳам 60 йилдан ошяпти. Мазкур сана ходимларимиз ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида кўтаринки руҳда нишонланди. Шу куни босиб ўтилган йўлларга назар ташланди, корхона ривожига муносиб улуш қўшган фидойи инсонлар номи эътироф этилиб, олдимизда турган янги вазифалар ҳақида ҳам эслатиб ўтилди.

2018 йил жамоамиз учун

баракали келди. Мутахассисларимиз йил бошидан бир қанча муҳим объектлар устида иш олиб боришди. Белгиланган режани 10 ой ичида сифатли, ўз муддатида бажардик ва йил якунига қадар яна бир қатор объектлар лойиҳасини тугатишга ҳаракат қиляпмиз. Шунда йиллик белгиланган режани ҳам ортиғи билан адо этган бўламиз.


Ҳали йил яқунланмасиданоқ кейинги йил учун режа тuzилиб, маркетинг ишлари ўтказилмоқда, бир нечта муҳим иншоотларни лойиҳалаш учун келишув ишлари олиб бориляпти. Мутахассисларимизнинг куч-ғайрати, билим-салоҳиятига ишонган ҳолда кейинги йил учун режани аввалги йиллардагидан кўра кескин ошириш мақсади кўйилаётди. Бунга сабаб, сўнгги йилларда республика-мизда жадал суръатлар билан ривожланаётган қурилиш ишларининг соҳамизда ҳам кўпайиб бораётганлигидир.

Катта ҳажмдаги ишларни бажариш учун корхонамизда барча шароит ва ресурслар етарли. Малакали, ўз ишининг устаси бўлган бунёдкор-лойиҳачиларимиз келиб тушаётган буюртмаларнинг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиши учун бор имконият, билим ва тажрибаларини ишга солиб, лойиҳаларни ўз вақтида сифатли бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Муборак МИРКАМОЛОВА
ёзиб олди

“**Кейинги йил учун режа тuzилиб, маркетинг ишлари ўтказилмоқда, бир нечта муҳим иншоотларни лойиҳалаш учун келишув ишлари олиб бориляпти.**”

РАЗЪЯСНЕНИЕ ОТ АК «УЗБЕКТЕЛЕКОМ» об увеличении скорости интернета через 15 дней



В последние дни некоторые СМИ, ссылаясь на Национальное информационное агентство УзА, сообщили об увеличении скорости интернета в Узбекистане в 10 раз через 15 дней. АК «Узбектелеком» официально

разъясняет данную информацию:

9 января 2018 года под председательством президента Узбекистана Шавката Мирзиёева состоялось совещание, посвященное развитию информационно-коммуникационных технологий в Узбекистане и обеспечению информационной безопасности. На данном совещании глава государства поручил снизить цены на доступ в интернет, а также увеличить скорость подключения, доведя ее к 2020 году до уровня стран СНГ.

Работа компании ведется по всем направлениям: расширяется сеть передачи данных, увеличивается охват населения скоростным

доступом в интернет, обслуживаются клиенты и сохраняется активное взаимодействие с международными партнерами.

За прошедшие 10 месяцев АК «Узбектелеком» был проведен структурный анализ необходимых улучшений, закуплено необходимое оборудование, разработан график и проведен широкий спектр работ по расширению пропускной способности внешнего канала и увеличению скорости доступа к сети интернет для провайдеров, операторов и конечных пользователей.

В начале этого года доступ к внешним интернет-каналам Узбекистан получал всего через два международ-

ных узла. Уже к началу 2018 года узлы работали практически на пределе, достигнув своего пика производительности. В этой связи, технические службы компании сегодня проводят поэтапную модернизацию, по итогам которой уже до конца этого года АК «Узбектелеком» сможет предоставить скорость, которую смогут потребить операторы и провайдеры, приобретающие канал у UZTELECOM.

Все заявки провайдеров и операторов будут удовлетворены без ограничений и в полном объеме. UZTELECOM также планирует ввести более привлекательные тарифные планы для абонентов UZMOBILE и UZONLINE.

БЛОКЧЕЙН

ПЕРВОЕ ПИЛОТНОЕ ВНЕДРЕНИЕ ТЕХНОЛОГИИ БЛОКЧЕЙН В УЗБЕКИСТАНЕ

После подписания Меморандума о сотрудничестве в области блокчейн технологии между Фондом



поддержки развития цифровой экономики «Цифровое доверие» и российской компанией Blockchain Industrial Alliance, состоявшейся 5 октября 2018 года, 12 ноября состоялось первое пилотное внедрение технологии блокчейн в Узбекистане, а именно: в область автоматизированной системы реестров для ГУП «Государственный центр экспертизы и стандартиза-

ции лекарственных средств, изделий медицинского назначения и медицинской техники». Таким образом, данный объект будет защищен от любых манипуляций с данными.

«Мы начали с самого простого — внедрения блокчейн в базу данных лекарственных средств, — поясняет Бобир Акилханов, инвестиционный директор по технологиям Фонда

поддержки развития цифровой экономики «Цифровое доверие». — Блокчейн сделает прозрачными все действия в этой базе, тем самым повысит уровень доверия к системе государственного контроля качества фармацевтической продукции. Наши дальнейшие шаги — это прописать на платформе блокчейн полный цикл жизни товара».

ОБЪЯВЛЕНИЕ!

ВНИМАНИЕ: РУКОВОДИТЕЛЯМ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ, УЧЕНЫХ, СПЕЦИАЛИСТОВ!

Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан оповещает о проведении конкурса на выполнение научно-исследовательских работ в сфере связи и информатизации в 2019 году по следующим приоритетным научным исследовательским темам:

Приоритетные направления НИР на 2019 год

1. Методы и средства обеспечения информационной безопасности.

2. Внедрение инфокоммуникационных технологий в государственное управление, образование экономику и социальную сферу.

Проекты научно-исследовательских работ принимаются ученым секретарем научно-технического совета Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан.

Требования к научно-исследовательским

работам представлены в Положении о порядке проведения на конкурсной основе научно-исследовательских работ в сфере связи и информатизации.

Дополнительная информация размещена на официальном сайте Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан (страничка «НТС Мининфоком»)

Приём научно-технических проектов на конкурс до 25 ноября 2018 года.

Форма для подачи предложений

Наименование проекта	
Проект технического задания НИР (отдельный документ) по установленной форме.	
Краткое содержание научных исследований. Изложить суть идеи и принципы построения, цели и задачи. Этапы выполнения.	
Актуальность. Обоснование научных исследований.	
Научная и практическая ценность, обосновать возможности реализации.	
Научный задел. Теоретические и экспериментальные результаты.	
Наличие патентов, статей, объявленных в журналах по данной теме НИР.	
Участие на республиканской Ярмарке инновационных идей и проектов.	
Ожидаемые результаты (апробация, внедрение в отрасли).	
Решения НТС организации, учёного совета о рекомендации НИР.	
Экономическое обоснование объёма финансовых средств.	
Руководитель (Ф.И.О.), научная степень, звание.	
Количество основных исполнителей.	
Сроки исполнения.	
Контактная информация.	

Телефон для справок: 71 281-56-11 (учёный секретарь НТС С.Рахимбоев).

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети 2018-2019 ўқув йилидан "кредит" тизими асосида иш фаолиятини бошлади. Бунда 16 нафар талабадан иборат кичик гуруҳлар ташкил қилинган. Дарслар жаҳон талабларига мос келадиган, замонавий компьютерлар билан таъминланган лаборатория хоналарида олиб борилмоқда.



КОМПЮТЕР ВИРУСЛАРИДАН ҲИМОЯЛАНИШ УСУЛЛАРИ

“Ушбу дастур ёрдамида тизимда бўлган барча ўзгаришлар (ўчирилган файллар ва дастурлар, рухсатсиз тизимнинг киришига жойлаштирилган парол ва ҳ.к.) бекор қилинади, маълумотларни сақлаш мумкин бўлган каталогни ҳам белгилаб қўйиш имкониятлари бор.”

Университет лаборатория хоналаридаги компьютерлардан турли босқичдаги ва турли йўналишдаги талабалар фойдаланишини инобатга олсак, тизимга уларга керак бўладиган амалий-дастурий таъминотларни ўрнатиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу дастурлар флешка ёки бошқа ташувчи қурилмалар орқали тизимга ўрнатилади. Бу жараёнда тизимга вирус дастурлар тушиши, кириш учун парол ўрнатиш, дискага маълумотларни ва ўрнатилган амалий дастурларнинг ўчирилиши ва шу каби бир қанча муаммолар юзга келиши мумкин.

Ҳозирги кунда 2000дан ортиқ вирус дастурлари мавжуд. Вирус дастурларнинг кўпчилиги ассемблер тилида ёзилади. Уларнинг айрим турлари компьютер тизими фаолиятини пасайтиришга, хабарларни интернет орқали юборишга ҳамда маълумотларни ўчириб юборишга мўлжалланган. Одатда фойдаланувчига вирус дастурларининг номигина маълум бўлиши мумкин. Масалан, Black Hole, Black Friday, "секин таъсир қилувчи вирус" ва ҳоказо. Кенг тарқалган вирусларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: файлларни, яъни COM, EXE ва DLLни зарарлайди; Boot вируслар қаттиқ дискнинг юқловчи соҳасига зарар етказилади.


Ҳозирда вирус дастурларидан асосан таълим муассасалари компьютерлари зарар кўрмоқда. Шу билан бирга, уларнинг кўпайиб кетишига ҳам сабаб бўляпти. Шунинг учун вирусдан ҳимояланмаса ёки унинг тизимга юқиши олди олинмаса, жуда катта нохушликларга олиб келиши мумкин. Университет лаборатория хоналарининг компьютер тизимларини вируслардан

қандай ҳимоя қилса бўлади? Ҳамма антивирус дастурлар ёрдамида, албатта. Лекин, масаланинг яна бир томони бор; компьютер тизимдан нотўғри фойдаланишдан юзга келадиган зарарларни ҳам инобатга олиш керак. Яъни, антивирус дастури фақатгина зараркуанда дастурлардан тизимни ҳимоя қилиши мумкин.

Компютер тизимидаги бундай хатоликларни бартараф қилишнинг самарали усуллари мавжуд:

1. ShadowUser дастури ёрдамида;
2. Амалий тизимнинг яширин имкониятлари ёрдамида.

ShadowUser дастурининг ташқи кўриниши қуйидагича:



Ушбу дастурнинг имкониятлари кенг, лекин унинг мақолада таклиф қилинган ҳимояланиш усулларига тўхталиб ўтамиз.

1-қадам: тизим фойдаланувчилари рухсатсиз ShadowUser дастурини сошлаш, тизимдан ўчириш ва ўзгартиришига чеклов қўйиш учун дастурнинг "Administrator" бўлимига ўтилади. "Enable password control" қисми белгиланади ва янги парол ва паролни так-

доран киритишни сўровчи кичик ойнада янги парол киритилиб, Ок тугмаси босилади;

2-қадам: Mode Setting бўлимида тизим жойлашган диск ёки қўшимча диск бўлими танланади ва "Enter Shadow Mode" тугмаси босилади. Очилган дастурни активлаштириш усулларини танлаш ҳақидаги хабар ойнасидан "Enter Shadow Mode on Boot" варианты танланади ва Ок тугмаси босилади.

Тизим қайта ишга тушгандан кейин ишчи столда "Shadow Mode" номли кичик ойна пайдо бўлади. Бу ShadowUser дастурини актив ҳолда эканлигини аниқлатади. Эндиликда тизимда барча бажарилган ўзгартиришлар

лар киритиш тизим администратори томонидан ShadowUser дастурига киритилган парол билан амалга оширилади ва очилган дастур ойнасидан Exit Shadow Mode тугмаси босилади. Компютер қайта юклангандан кейин ShadowUser дастури актив ҳолатдан чиқади ва тизимга ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлади.

Кейинги ҳимояланиш усули эса тизим имкониятлари ёрдамида амалга оширилади. Бу имкониятлардан фойдаланиб, компютернинг кирувчи ва чиқувчи манбаларига турли чекловлар ўрнатиш мумкин. Фойдаланувчининг компютер саводхонлиги яхши бўлса, бу чекловларни бекор қилса бўлади. Бунинг олдини олиш учун ShadowUser дастуридан фойдаланиш тавсия этилади. Ушбу дастур ёрдамида тизимда бўлган барча ўзгаришлар (ўчирилган файллар ва дастурлар, рухсатсиз тизимнинг киришига жойлаштирилган парол ва ҳ.к.) бекор қилинади, маълумотларни сақлаш мумкин бўлган каталогни ҳам белгилаб қўйиш имкониятлари бор. Бундай ҳолда фақат ушбу кўрсатилган каталогдаги маълумотлар сақланиб қолади. Тизим ишига салбий таъсир қиладиган компютер вирусларидан ва фойдаланувчи томонидан юзга келадиган тизим хатоликларни тизим қайта юклангандан кейин автоматик бартараф этилади. Бу эса лаборатория хонаси компютерларида жойлашган маълумотлар хавфсизлигини маълум маънода таъминлашига олиб келади.

Ойбек МАЛЛАЕВ,
ТАТУ катта ўқитувчиси,
Феруза ҚУРБОНОВА,
талаба

Электрон тижорат ўзи нима? Ўзбекистон Республикаси “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунида “Ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир” деб белгиланган.



ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ:

ТАДБИРКОРЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ?

◀ 1-бет.

Демак, электрон тижорат замонавий бизнесда мавжуд бўлган деярли барча жараёнларни яхлитлаш ва интеграция қилиш орқали уларни замонга мос равишда ўзгартириш учун шарт-шароит яратади.

Мамлакатимизда электрон тижоратни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги қарори билан электрон тижоратни жадал ривожлантириш чоратадбирлари белгилаб берилган. Унда электрон тижорат субъектлари учун қўлай шароитларни яратиш кўзда тутилган бўлиб, электрон тижорат субъектлари Миллий реестрининг жорий этилиши шулар жумласидандир.

Миллий реестр

Электрон тижорат субъектлари миллий реестри — бу электрон тижоратнинг маҳаллий субъектлари ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган ягона электрон банк ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари ва йўналишлари қаторига қуйидагилар кирди:

- электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантириш ҳолатини тизимли мониторинг қилиш ва баҳолаш, шунингдек, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этиш самардорлигини ўрганиш;

- электрон тижоратни самарали ривожлантириш мақсадида амалдаги қонунчиликни мақсадли таҳлил этиш ва такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш.

Миллий реестр

қачондан ишга тушган?

Миллий реестр 2018 йилнинг 1 июлидан бошлаб электрон шаклда онлайн www.e-tijorat.uz интернет-порталида ишга туширилган.

Сайтда реестрга киритиш учун ариза бериш бўйича йўриқнома ҳамда электрон тижоратга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилган, шунингдек, қизиқтирган саволлар бўйича мурожаат қилиш учун телефон рақам келтирилган.

Миллий реестр регуляторни — Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ҳисобланади. Регулятор миллий реестрни юритиш, шакллантириш ва ривожлантириш билан шуғулланади.

Кимлар реестрга

киритилиши мумкин?

Электрон тижоратдаги товарлар ва хизматлар савдосидан тушган даромадлари умумий даромадларининг 80 ёки ундан ортиқ фоизини ташкил этган электрон тижорат субъектларигина реестрга киритилади, бу электрон тижоратдаги товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан тушган даромадлар тўғрисидаги банк маълумотномаси ва ҳисоб-маълумотнома билан тасдиқланган бўлиши даркор. Мазкур субъектлар реестрга киритилганидан кейин ягона солиқ тўловини 2 фоиз ставка бўйича тўлашни бошлайдилар.

Реестрга қандай қилиб аъзо бўлиш мумкин?

Реестрга аъзо бўлиш бир нечта босқичлардан иборат. Биринчи босқичда Электрон тижорат субъекти e-tijorat.uz веб-саҳифасидаги шакларга мувофиқ онлайн ариза беради.

Иккинчи босқичда “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази онлайн



Электрон тижорат субъектларини миллий реестрга киритиш

Реестрнинг афзалликлари




Миллий реестрга киритилган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар ставка бўйича ягона солиқ тўловчилари ҳисобланади

2%

Электрон тижоратдаги товарлар ва хизматлар савдосидан тушган даромадлари умумий даромадларининг

≥80%=2%

Босқичлар:



Табриклаймиз!

Энди Сиз 2% ставка бўйича ягона солиқ тўловчиси бўлдингиз!

E-TIJORAT

аризани биринчи шақлга мувофиқ 10 иш кун мобайнида кўриб чиқади ва тақдим этилган маълумотлар талабларга жавоб берса, учинчи босқичда реестрнинг рўйхатига киритилганлиги тўғрисида хабар беради.

Туртинчи босқичда Давлат солиқ қўмитаси томонидан электрон тижорат субъектининг солиқ ҳисоботини иккинчи шақлга мувофиқ кўриб чиқади ва бешинчи босқичда агарда электрон тижоратдаги

товарлар ва хизматлар савдосидан тушган даромадлари умумий даромадларининг 80 ёки ундан ортиқ фоизини ташкил этган бўлса, олтинчи босқичда 2 фоиз ставка бўйича ягона солиқ тўловчиси бўлиб реестрга киритилади.


Хорижий мамлакатлар тажрибаси

Қозғоғистонда 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб янги Солиқ кодекси бўйича ўз фа-



Тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат битимларини амалга оширишда тўловлар виртуал терминаллар (E-POS) орқали хариддорга нақд пулни қабул қилганлиги тўғрисида электрон чек ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатни мажбурий юборган ҳамда инкассация қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда пул маблағларини хизмат кўрсатувчи банкка топшириш шарти билан нақд пул шаклида қабул қилиниши мумкин.

Электрон тижорат субъектлари савдо фаолиятини амалга оширишда тўлов терминалларида фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг корпоратив банк карталари, шунингдек, электрон тўлов тизимлари орқали тўловларни қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар.



олиятини онлайн-дўкон ёки интернет-майдонларда юритаётган тадбиркорлар учун солиқ имтиёзларини тақдим этиш кўзда тутилган. Хусусан, юридик шахслар корпоратив даромад солиғидан, якка тартибдаги тадбиркорлар эса даромад солиғидан озод қилинадилар, аммо бунинг учун учта мажбурий шарт бажарилиши зарур:

- товарларга нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш;
- харидор билан шартномани онлайн тартибда тузиш;
- тадбиркор ўз етказиб бериш хизматига эга бўлиши ёки товарни ташиш, жўнатиш ва етказиб бериш билан шугулланадиган шахс билан шартнома тузиши лозим.

Жисмоний шахслар билан электрон савдо қилишдан олинган даромад хўжалик субъекти йиллик ялпи даромадининг 90 фоизини ташкил этсагина, тадбиркор ушбу турдаги солиқдан озод этилиши мумкин.

Беларусда эса электрон тижоратни солиққа тортишнинг махсус тартиби қисман кўзда тутилган. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб хорижий компаниялар томонидан кўрсатиладиган электрон хизматлардан ҚҚС ундирилишини кўзда тутовчи Солиқ кодекси кучга кирди. Бундан ташқари, электрон тижоратни амалга оширувчи хўжалик субъектлари солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизimini қўллаши мумкин. Уларнинг ставкалари:

5 фоиз — ҚҚС тўловчи ташкилот ва якка тартибдаги

тадбиркорлар учун;

3 фоиз — ҚҚС тўловчи ташкилот ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун.

Озарбайжонда 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб электрон савдога солиқ солиш, хусусан, хўшимча қиймат солиғи солишини (ҚҚС қиймати — 18 фоиз) назарда тутувчи қонун кучга кирди. Ушбу чоралар маҳаллий тадбиркорларни ҳимоя қилиш учун қабул қилинди, яъни юқорида айтилган хизматлар мамлакат ҳудудига норезидентлар томонидан Озарбайжон фуқаролари учун кўрсатиладиган бўлса, ҚҚС хариддорлардан олинади.

Булардан келиб чиқиб шунини айтиш мумкин, электрон тижоратни жадал ривожлантиришнинг асосий элементларидан бири — бу давлат томонидан тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан электрон тижоратнинг ривожланишига туртки берувчи омиллар белгилаб берилган. Жумладан:

- қонун ҳужжатларига мувофиқ электрон тижорат иштирокчилари томонидан хизматлар кўрсатиш жараёнида ахборот тизимлари томонидан шакллантириладиган, битимлардаги томонларни идентификациялаш имко-

нини берувчи электрон чеклар, квитанциялар, хабарлар ва бошқа усуллар товарлар (хизматлар) учун тўловларни тасдиқловчи квитанциялар, талонлар, чипталар ва бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади;

- тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат битимларини амалга оширишда тўловлар виртуал терминаллар (E-POS) орқали хариддорга нақд пулни қабул қилганлиги тўғрисида электрон чек ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатни мажбурий юборган ҳамда инкассация қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда пул маблағларини хизмат кўрсатувчи банкка топшириш шарти билан нақд пул шаклида қабул қилиниши мумкин;

- электрон тижорат субъектлари савдо фаолиятини амалга оширишда тўлов терминалларида фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг корпоратив банк карталари, шунингдек, электрон тўлов тизимлари орқали тўловларни қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар;
- электрон тижорат орқа-



Электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни сотувчига ва етказиб берувчига шахсий мулк, ижара ва бошқа фойдаланиш ҳуқуқига асосан тегишли бўлган автомобиль транспортда Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб етказиб беришда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро автомобилда йўловчилар ва юк ташишларни амалга ошириш учун лицензия олиш талаб қилинмайди, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмларини реализация қилиш, фақат сақлаш ва етказиб беришда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш тартиби ва талабларига қатъий риоя қилган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширишга рухсат этилади.



ли реализация қилинган учминг АҚШ долларигача бўлган товарлар (хизматлар)нинг экспорт қилиш Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилмасдан ва юк божхона декларацияси тўлдирилмасдан почта хизматларини кўрсатиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади;

- электрон тижорат орқали сотиладиган товарлар (хизматлар) учун уларнинг умумий қийматидан мажбурий 15 фоизли олдиндан тўлов тўлаш талаби бекор қилинади;


- электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига учинчи шахслар (товарларни сотувчилар) учун тўловларни кейинчалик уларни белгиланган тартибда инкассация қилиш шарти билан қабул қилиш ҳуқуқи берилади;

- электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни сотувчига ва етказиб берувчига шахсий мулк,



Электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига учинчи шахслар (товарларни сотувчилар) учун тўловларни кейинчалик уларни белгиланган тартибда инкассация қилиш шарти билан қабул қилиш ҳуқуқи берилади.

Электрон тижорат орқали сотиладиган товарлар (хизматлар) учун уларнинг умумий қийматидан мажбурий 15 фоизли олдиндан тўлов тўлаш талаби бекор қилинади.



ижара ва бошқа фойдаланиш ҳуқуқига асосан тегишли бўлган автомобиль транспортда Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб етказиб беришда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро автомобилда йўловчилар ва юк ташишларни амалга ошириш учун лицензия олиш талаб қилинмайди, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мус-

“Қозоғистонда жисмоний шахслар билан электрон савдо қилишдан олинган даромад хўжалик субъекти йиллик ялпи даромадининг 90 фоизини ташкил этсагина, тадбиркор ушбу турдаги солиқдан озод этилиши мумкин.”

тасно;

- электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмларини реализация қилиш, фақат сақлаш ва етказиб беришда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш тартиби ва талабларига қатъий риоя қилган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширишга рухсат этилади.

Электрон тижорат субъектлари миллий реестри шакллантирилиши мамлакатимизда инновацион ривожланиш борасидаги навбатдаги қадамлардан бирidir. Бинобарин, глобал тармоқ орқали савдо механизмларининг жорий этилиши ушбу фаолият турини соддалаштиради ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказди.

Шавкат МАҚСУДОВ,
“Электрон ҳуқумат” марказининг рақамли иқтисодий ривожлантириш департаменти бошлиғи




Электрон тижорат орқали реализация қилинган учминг АҚШ долларигача бўлган товарлар (хизматлар)нинг экспорт қилиш Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилмасдан ва юк божхона декларацияси тўлдирилмасдан почта хизматларини кўрсатиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Виртуал терминаллар (E-POS) шу турдаги назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларига тенглаштирилади.



“БУ ҚЎЛИМДАН КЕЛАДИ!” ДЕЙИШГА ЧОҒЛАНМИЗ



Ютуқни орзу қилувчи ва ютуқни қўлга киритаётганлар ўртасидаги ягона фарқ — ишончдир. Ҳаётда муваффақиятли инсонлар феълида “бунга муносибман”, “буни қила оламан” деган кайфият юқори бўлади. Мана шу хислат муваффақият учун тўловдир.

Инсон ҳаракат қилса, номуносиб феъл-атворини ўзгартириши мумкин. Айтиш-ганидек, ҳар қандай шароитда одамга берилган сўнгги эркинлик — бу хулқ-атвор танлашдир. Шундай вақтда иккиланмасдан ўзига бўлган ишончни ҳам танлаш лозим. Куйида муносиб феъл-атворга эга бўлиш учун зарур ўн маслаҳатни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Кучсиз нуқтангизни аниқланг

Қила олишига ишонган одам аввал ўз имкониятини, кучли ва кучсиз жиҳатини аниқлаб олади. Кучсиз жиҳатимизни аниқлаш бизнинг кучли бўлишимизга хизмат қилади.

Томас Эдисоннинг фикрича, бизнинг энг ожиз нуқтамиз — дарров орқага чекинишимизда. Кўпчилик ҳаракат ҳам қилмасдан воз кечиб қўя қолади ва орзусини тушларида кўриб юради. Етакчилар, йўлбошчилар эса олдиларида турган тўсиқни йўқ қилиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиладилар.

Кутманг, ташаббус кўрсатинг

Сувда ҳаракат қилган эмас, сувда тинч турган одам чўкиб кетади. Ҳаётда ҳам шундай — ташаббускор одам илгарилайди. Ишни удалашига ишонган одамлар кўрқмас,

журъатли бўлишади. Улар ечим турган манзилга тикка-сига боришади. Улар ақл-заковатлари ва диққатларини жамлаб, қаршиларида турган муаммони ер тишлатадилар. Улар кутиб турмайдилар. Улар ташаббус кўрсатадилар.

Унутманг, голиблар хато қилсалар ҳам, бўлди қилмайдилар. Муваффақият эшигингизни қоқмас экан, сиз унга муносиб эшикни ясанг, ташаббус кўрсатинг!

Ҳасрат тўла давраларга қўшилманг

Ишнинг киндигини сугуриб олади, деган иборага монанд бўлинг. Бунинг учун танингизда гайратнинг кони бўлмиш ижобийлик ҳукмрон бўлсин. Ижобий бўлиш учун эса доимо ҳасрат қиладиган, салбий қувватга эга, бекорчи одамлар суҳбатидан йироқ бўлинг.

Унутманг, дард ва шодлик барча ерда ёнма-ён яшайди. Ҳаётнинг ўн фоизи ниманидир содир бўлиши бўлса, 90 фоизи унга нисбатан муносабатимиздан иборат. Вазиятни ўзгартира олмасангиз, унга бўлган муносабатингизни ўзгартиринг.

Бошқаларни ҳам тушунишга ҳаракат қилинг

“Бировнинг ташвишини унинг оёқ кийимини кийсанг биласан” деган нақл бор. Инсонларга яхшилик қилмасдан туриб, ҳаётда омадли бўлишнинг имкони йўқ. Қимгадир тааллуқли қарор чиқарганда саъй-ҳаракатингизнинг унга таъсирини ҳам инобатга олинг.

Унутманг, буюқ адиб Толстой айтгани каби, яхшилик қилганларгина бу ҳаётда бахтиёр яшай оладилар.

Ҳис-туйғуларингизни тарбияланг

Инсон туйғулари нималарни хоҳламайди дейсиз? Ҳар ишни қойилмақом адо қиладиган инсонлар ҳеч қачон ўз ҳисларига кўр-кўрона бўйсунмайдилар. Улар ўз ишларини севадилар. Сабаби муваффақиятлилар ўзларини олга бошлайдиган, йўлларини ёритадиган машғалани қандай ёқишни, ундан куйиб қолмасликни яхши биладилар. Аслида ҳаётда мукофот ақлли, кучли одамга эмас, ўз ҳис-туйғулари билан ҳисоблашадиган, уларни бошқара оладиган инсонга берилади.

Унутманг, ҳислари, яъни ички дунёси бўлмаган одам — атрофидагиларнинг қулидир.

Тасаввур чегарасини ҳатлаб ўтинг

“Қила оламан” феълига эга инсонлар тасаввурлари чегарасини ҳатлаб ўта оладилар. Бошқалар уфққача кўриниб турган сарҳадни кўрсалар, улар кўёш уфқ ортини ҳам ёритиб турганини тасаввур қиладилар. Муваффақият эгалари фақатгина ён-атрофидаги одамларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб қолмайдилар.

Унутманг, сиз кашф этмоқчи бўлган барча нарса, аввало тасаввурингизда яралади.

Ташвишни бас қилиб, ҳаракатга ўтинг

Ғалаба қозонганлар ҳаракатда бўладилар. Улар жисмонан чарчаб, оёқлари ҳолдан тойганида қалблари, онг-шуурлари билан ҳаракатланишни одат қиладилар. Бошқалар иккиланиб, хафа бўлиб судралиб турганида улар табассум ва ишонч билан дадил қадам ташлайдилар.

Оқим билан сузинг

Оқимга қарши сузганнинг тақдир сузда яқун топади. Муваффақият қозониш учун кези келганда мослашиш ҳам керак бўлади. Муваффақиятли инсонлар қаршиларидан чиққан тоғларга тирмашсалар, дарёни кема бўлиб қарши оладилар. Улар ёмонига тайёр турадилар, яхшисидан умид қиладилар, бошга тушганини кўрадилар.

Яна бир жиҳат борки, адолатсизлик, ноҳақлик тўлқини қанчалар қудратли бўлмасин, муваффақиятли одамлар уларга қарши сузишдан чарчамайдилар.

Охиригача курашинг

Яқунига етмаган ҳаракатдан кўра ҳали бошланмаган орзу яхши. Боиси, ишни яқунига етказмаслик инсон ожизлигининг белгиси. Ожизлик эса журъатсизликдан ҳам аянчлироқ. Маълумиятга берилган муносиб баҳо чала қолган ишни муваффақиятли яқунлашга ёрдам беради. Унутманг, ҳаётдаги ютуқ эришилган муваффақият билан эмас, бой берилган имкониятлар билан ўлчанади.

Шукуҳли онларни тез-тез тасаввур қилинг

Нима учундир астойдил курашар экансиз, унинг натижасини ўйлаб завқ олинг, юрагингиз орзиқиб кетсин.

Муваффақиятдан умидвор бўлиб ҳаракат қилинг, ҳар қандай вазиятга ижобий кайфиятда, голиб бўлиб назар солинг, муваффақиятни тез-тез ҳис қилинг. Шунда ижобий натижалардан ҳайратта тушасиз.

Шухрат САТТОРОВ

“Унутманг, ҳаётдаги ютуқ эришилган муваффақият билан эмас, бой берилган имкониятлар билан ўлчанади.”

АЛОҚАЧИЛАР ҚУТҚАРГАН АСКАР

1947 йил. Иккинчи жаҳон урушига кетиб, эсон-омон қайтиб келаётганлар билан дийдор кўришиш умидида Каттақўрғон шаҳар темир йўл станциясига чиққан умидвор кишилар ҳеч қутилмаган ҳодисага дуч келиб, ҳангу манг бўлиб қолишди.

Станцияга келиб тўхтаган йўловчи поезддан икки қўли тирсаги ва икки оёғи бўсағасидан (сонидан) кесилган қорачадан келган, кўзларидан ҳаётга умид учкунлари порлаб турган жангчини бир аскар ва ҳамшира авайлаганча вагондан олиб йўлакка қўйишди. Шу топда уларни вокзалдаги одамлар ўраб олиб, жангчини таниган ва танимаганлар ҳам ҳол-аҳвол сўрашди, унинг дардига малҳам бўладиган гаплар айтиб, кўнглини кўтаришди. Сўнгра ҳарбий комиссариатдан чақирилган санитар машинада жангчини уйига элтиб қўйишди. Бу киши Нурилла УМАРОВ эди.

У урушдан олдин собиқ Қорадарё туманидаги колхозлардан бирида пахтачилик

бригадасининг саркори сифатида меҳнат қилган фидойи пахтакорлардан эди. Уруш бошлангач, кўплаб йигит-қизлар қатори Нурилла ҳам фронтга жўнади. У ҳарбий тайёргарликдан сўнг 1941 йил октябр ойида Ленинград fronti 559-автоматчилар полкида ҳарбий хизматни давом эттира бошлади.

Катта сержант Нурилла Умаров Новгород шаҳрини душмандан озод қилишда қатнашди. Мана шу шаҳар учун бўлган оғир жангда у хизматдоши билан қаҳрамонлик кўрсатди. Шаҳар ичига кириб, муҳим хабарни командирларига етказди. Натижада, ўз вақтида қўрилган талбир туйфайли, шаҳар душмандан тозланди. Хушёрлиги, муҳим ҳар-

бий аҳамиятга эга маълумотни қўлга киритиб, 559-полкнинг ҳарбийлари ҳаётларини сақлаб қолганлиги ва душманни ер билан яксон этишда жасорат кўрсатганликлари учун икки жангчи “Шуҳрат” ордени билан тақдирланишди.

— Урушдан ногирон бўлиб қайтганим учун сира ҳам афсусланмайман, — деган эди Нурилла ота Умаров суҳбатлардан бирида. — Фронтдан икки билгим, оёғим протез кўрсатган ҳолда она шахримга кўксим жангвор ордени ва медалларга тўла ҳолда қайтдим. Менга янги уй беришди, енгил автомашина билан мукофотлашди.

Иккинчи жаҳон уруши 1418 кеча-кундуз давом этди. Унинг қурбонлари кўп бўлди. Менинг урушдан тирик қайтишимда алоқачиларнинг хизмати катта бўлган.

Бу воқеа Ленинград шаҳрини қамал исканжасидан озод этиш учун олиб борил-

ган жангда содир бўлди. Шиддатли жанглarning бирида олдимда портлаган снаряд парчасидан қаттиқ ярадор бўлдим. Ҳамма ёқ оппоқ қор билан қопланганди. Яраланган ҳолда бир сутка шу ерда қолиб кетдим. Атрофни кузатиб юрган алоқачилар тирикчилигини билиб қолишиб, от қўшилган чана ёрдамида яқин атрофдаги госпиталга олиб бориб, шифокорларга топширишган. Кейин билсам, икки сутка ҳушсиз ётган эканман. Москва, Новгород, Иркутск, Свердловск, Новосибирскдаги ҳарбий госпиталларда узоқ ётиб доволандим. Бир умр алоқачилардан миннатдорман.

Юксак иродали, довурак Нурилла Умаров ҳозир орамизда йўқ. Халоскор жангчи, миршкор пахтакор Нурилла Умаров ҳаёт бўлганида 100 ёшга тўлар эди.

Ғайрат ШУКУРОВ,
фахрий журналист

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА ВАТАНПАРВАРЛИК КУНИ

ҲАРБИЙЛАР ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА



Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳокимлиги, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) ҳамда Тошкент ҳарбий округи ҳамкорлигида Олмазор туманидаги 29-умумтаълим мактабида Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик кuni ўтказилди.

Мактабнинг 9 ва 10-синф ўқувчилари иштирок этган ушбу талбир мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида ёш авлодни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар дунёқарашини ва фикрлаш дорасини янада кенгайтириш, жамиятда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш каби мақсадларни қамраб олди. Талбир жараёнида Махсус авария-тиклаш бошқармаси фаолиятига бағишланган “Ҳарбий хизматчиларнинг бир

кuni” номли видеоролик намойиш этилди. Унда ўқувчилар марказ ҳарбийларининг ҳаёти, улар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг бошқарма катта лейтенанти Абдуқодир Отабоев миллий армиямизнинг бугунги қиёфаси, ҳарбийча ҳаёт ҳақида маълумотлар берган бўлса, Тошкент ҳарбий округининг ҳарбий хизматчилар оилалари билан ишлаш бўйича мутахассиси Дилбархон Хусанова ҳарбий хизматчилар оила аъзолари

ри доимо давлат ва жамият ҳимоясида эканлиги хусусида сўз юритди.

Талбир қизиқарли ва мунозараларга бой тарзда ўтди, ўқувчиларни қизиқтирган саволларга меҳмонлар атрофлича жавоб беришди. Яқунда ўқувчилар тақдим этган концерт дастури барчага манзур бўлди.

Гулчеҳра ТУРСУНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
ҳарбий прокурори ёрдамчиси,
адлия капитани

■ Сержант Суннат НАЖИМОВ олган суратлар.

“Ёшлар – келажагимиз”
давлат дастури

Ёшлар стартап-ташаббуслари танлови

13 ноябр кuni Ёшларнинг стартап-ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган дастур ўз ишнини бошлади. Танлов саралашининг натижасига кўра, “Стартап-ташаббуслари” дастурининг учинчи даврида Тошкентдан 32та стартап-лойиҳа иштирок этмоқда. Бундан ташқари, вилоятлардан топширилган лойиҳалар танлови бўлиб ўтмоқда ва улар учун маҳаллий семинарлар ва мастер-класслар ташкил этилади.

Э-тижорат соҳасидаги лойиҳалар, етказиб бериш хизматлари энг оммавий бўлиб қолаётганига қарама-дан, жорий йилда янги технологиялар тақдим этилган онлайн таълим соҳасида, қишлоқ хўжалиги ва краудфандинг соҳасидаги лойиҳалар ҳам тақдим этилган.

Дастурни беш кунлик интенсив семинар бошлаб бериб, унда иштирокчилар “LeanStartup” (“тежамкор стартап”) усули бўйича стартапни ишга тушириш асосларини ўрганишлар.

Ушбу ташаббус Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида талбиркорлик муҳитини такомиллаштириш” кўшма лойиҳаси томонидан Инновацияларни ривожлантириш вазирлиги ва Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастури доирасида Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси молиявий кўмагида амалга оширилмоқда.

ХАВФСИЗЛИК

Тадқиқотчилар смартфонда ДЕВОР ОРТИНИ КЎРИШДИ

Санта-Барбарадаги Калифорния университетининг Янзи Чжу бошчилигидаги олимлари оддий смартфон ва дастурий таъминотдан фойдаланиб, симсиз интернет радиосигналлари ёрдамида уйни қандай кузатиш мумкинлигини намойиш этишди.

Илгариги — WiFi-роутерни назоратга олиш ёки махсус антенналар керак бўладиган тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, санта-барбаралик олимларга WiFi-сигналларнинг кучини аниқлашнинг ўзи кифоя қилди.

Деворлар, деразалар, эшиклар ва одамларнинг ўзи радиосигналларни қайтариши сабабли, хона ичида нима бўлаётганини аниқ тасвирлаш қийин, бироқ барибир, масалан, одамнинг қаерда эканлигини тахминан билиб ола бўлади.

“Хонадаги одам(лар) ҳаракат-ланиятими, ўрндан турдими ё ўтирдими, эшикни очяптими — буни аниқлаш қийинмас. Агар ихтиёригизда унинг плани бўлса, бу маълумотни унда акс эттириш мумкин”, — деб хабар беради журналист Ян Дёнгес Handelsblatt учун ёзган мақоласида.

“Тўғри, бунинг учун “жосус” роутер қаерда жойлашганини аниқлаб олиши керак”, — таъкидлайди Дёнгес. — Бунинг учун уй олдида мобил телефон (...) билан бир неча марта ўтилса кифоя. Уйда роутерлар сонини кўп бўлиши жосуслик тизимининг фойдасига ишлайди”.

Жосусликнинг бу турига қарши туриб бера олувчи реал механизмлар саноқлигига. Шулардан энг ишончлилиси — Wi-Fi сигналларини сунъий сўндиргичлар, дейилади мақолада.



ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР

Twitterga uzok kutilgan funktsiya ishga tuşaga



Twitter раҳбари Жек Дорси твитларни тахрирлаш функциясини омма эътиборига ҳавола қилди.

Тақдимот Нью-Дели конференциясида бўлди. “Кўп фойдаланувчиларимиз ўзлари хаёто ёзган матларни тўғрилаш учун твитларни тахрирлаш тугмасини киритишимизни исташарди”, — деди Дорси. Унинг қўшимча қилишича, твитларни тахрирлаш учун вақт жуда чекланган. Чунки машҳур фойдаланувчилар ва таниқли шахслар келгусида ўз ёзганларидан тониб қолишлари мумкин.

Микроблоглар сервисининг фойдаланувчилари твитларни тахрирлаш функциясини кўпдан бери кутишаётганди.

ИЛОВАЛАР

Windows 10ga ёрдамчи топилди

Amazon “виндовс”нинг ўнинчи туркуми учун АЕХ овозли ёрдамчисини ишга туширди.

Эслатмалар, мушқани ёқиш, календарни бошқариш, хуллас, Алексанинг қўлидан кўп иш келади. Уни овозласангиз бўлди — ёрдамга доим шай.

Илова Microsoft Storeга жойланган. Сервис АҚШ, Буюк Британия ва Германияда ишляпти — ҳозирча. Бошқа мамлакатларга 2019 йилда навбат етиб келади.



ДРОНЛАР

Дубайнинг “учар полицияси”

Дубай (БАА) ҳукумати ўз полициячиларини россияликлар ишлаб чиқарётган учар мотоцикллар — ҳOVERбайкларга ўтқизмоқчи. Шунда дубайлик полициячиларнинг “узоғи яқин бўлади”.

S3 2019 Hoverbikening нархи — 150 миң доллар. Оғирлиги — 115 кг., 5 метргача баландликка кўтарилиб, 97 км/соат тезликда уча олади. Дрон режимида 90 дақиқача, устидаги одам билан 25 дақиқача парвоз қилади.



ЭКОЛОГИЯ

Смартфонларнинг экологияни бузишдаги “ҳиссаси” қанча?



Канаданинг Макмастер университети олимлари яқин 20 йилликда инсоният олдида яна бир экологик муаммо кўндаланг бўлишидан хавотирдалар. Бу смартфонларни ишлаб чиқариш жараёнидаги зарарли чиқиндилар. Тадқиқот натижалари Journal of Cleaner Production журналида чоп этилди.

Экспертларга кўра, аини пайтда ҳавога чиқаётган заҳарли газларнинг 1 фоизи бевосита смартфонлар ишлаб чиқариш соҳасига тўғри келади. Ҳисоб-китоблар, бу улуш 2040 йилга бориб 14 фоизга ошишини кўрсатмоқда. Бунинг сабабларидан биринчиси бевосита қурилмаларни ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи экологик талабларга жавоб бермаслиги, яна бир сабаби эса алоҳида бир қурилманинг нисбатан кам муддат ишлатилиб, янгисига алмаштирилишидир.

Ҳозирча олимларнинг тавсияси истеъмолчиларга қаратилган: смартфонингизни ҳадеб янгилайверманг.

БОЗОР

Apple 30 йилга топганини бир ойга йўқотди

Apple компаниясининг бозор қиймати 951 млрд. долларни ташкил этмоқда. Business Insider таҳлилчиларининг кузатишича, беш ҳафтада компания қийматидан 190 миллиард йўқотди — Apple 2010 йилда шунчага баҳоланган.

Экспертларнинг таъкидлашича, беш ҳафтада йўқотилган маблағни ишлаб топгунча Apple ўзи ташкил этилган пайтдан бошлаб 30 йил сарфлаган. 2010 йилга келиб компания бренди 190 миллиард долларга баҳоланди.

12 декабр кунги савдолар якунида Apple акциялари 5 фоизга арзонлашди. Ҳозир бир дона акцияси — 194 доллар. Молиячилар компания қимматбаҳо қоғозларининг арзонлашиб кетишини “айфон”ларга талаб камлиги билан изоҳлашди.

Эслатиб ўтамиз, 2018 йилнинг август ойида Apple 1 триллион доллардан юқори баҳоланган илк Америка компаниясига айланганди.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

ЎН БИРИНЧИ НОЯБР

Битта уруш хотирланди, иккинчи урушнинг эса "инига чўп суқилди"

Ўтган ҳафта, аниқроғи 11 ноябр дунё ҳамжамиятида икки муҳим воқеа билан из қолдири. Биринчиси, Франция пойтахти Парижда 70дан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарлари қатнашган Биринчи жаҳон уруши тугаганининг 100 йиллигига бағишланган тадбир билан бирга Париж тинчлик форуми бўлса, иккинчиси, худди шу кунни Украина шарқидagi Донецк ҳамда Луганск вилоятларида Донецк ва Луганск етакчилари ҳамда маҳаллий вакиллик органлари аъзоларини тайинлаш учун ўтказилган сайловлар бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Донецк ҳамда Луганск вилоятларининг айирмачилар бошқарувида бўлган ҳудудларида ўтказилган сайловларни халқаро ҳамжамият кескин танқид қилмоқда. Франция ва Германия сепаратчилар ўтказган сайловларни "ноқонуний" деб атади. Расмий Киев эса сайловлар 2014 йилнинг апрелида бошланган можарони тўхта-тишга қаратилган ҳаракатларни янада мушкуллаштиришини таъкидлади.

Бу борада Россия расмийларининг фикри бошқачароқ. Улар Донецк ва Луганск етакчилари ҳамда маҳаллий вакиллик органлари аъзоларини тайинлаш учун ўтказилган сайловлар можарони ҳал этиш мақсадида 2014 йилнинг сентябри ва 2015 йилнинг февралда эришилган "Минск келишуви" шартларини бузмаслигини айтишмоқда. Россия матбуоти тарқатган хабарларга кўра, деярли барча бюллетенлар санаб бўлинганидан сўнг Донецк вилоятидаги айирмачиларнинг амалдаги етакчиси Денис Пушилин 61 фоиз овоз тўплагани маълум бўлган. Кўшни Луганскдаги айирмачиларнинг амалдаги етакчиси Леонид Пасечник эса 68 фоиз овоз тўплаган.

Германия канцлери Ангела Меркел билан Франция президенти Эммануэл Макрон эълон қилган қўшма баёнотда "Сайлов деб аталаётган бу ҳодиса Украинанинг ҳудудий бирлиги ҳамда суверенитетига путур етказди", дейилади. Икки президент



ушбу баёнотни эълон қилишидан аввал 11 ноябр кунни Биринчи жаҳон уруши тугаганининг 100 йиллигига бағишланган маросимлар давомида Украина президенти Петро Порошенко билан учрашди.

Германия, Франция ҳамда Украина можарога ечим топиш бўйича "Нормандия формати"даги музокара-

ларни ўтказиб келади. Россия форматга аъзо тўртинчи давлат бўлиб, кейинги икки йил давомида музокара ўтказилмади.

Донецк вилоятидаги айирмачиларнинг амалдаги етакчиси 37 ёшли Пушилин казино банкوماتи ҳамда минглаб одамни лақиллатган таниқли рус Понци схемасининг давомчиси МММнинг молиявий хизматларини сотиш билан шуғулланган. Луганскдаги айирмачиларнинг амалдаги етакчиси 48 ёшли Леонид Пасечник эса Украина хавфсизлик хизматининг собиқ ҳудудий етакчисидир. Янги сайланган ҳар икки етакчи Россия билан алоқаларни янада яхшилашни ваъда қилиб келади.

Донецк ва Луганскдаги сайловлар хавфсизлик чоралари кучайтирилган муҳитда ўтказилди. Украина, АҚШ ҳамда Европа Иттифоқи 11 ноябр кунни ўтказилган сайловларни Россия манипуляцияси ўлароқ қоралаб, улар Минск битимларига зид эканлигини айтмоқда.

Япон ошпазлари ҳалол таомлар тайёрлашни ўрганипти

2020 йилда Японияда бўлиб ўтадиган ёзи Олимпия ва Паралимпия ўйинларига кўп сонли мусулмон сайёҳларнинг ҳам келиши кутилмоқда. Шу муносабат билан маҳаллий ошпазлар ҳалол таомлар тайёрлашни ўрганипти. Масалан, мусулмонлар учун мўлжалланган таомларни тайёрлашда таркибида алкохол бўлган консервантлардан фойдаланилмайди. Аини пайтда япон рестороанлари миллий таомларнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш ниятида. The Japan News нашрининг хабар беришича, сентябр ойида Сидзуока префектурасида Япониянинг йирик рестороанлари бош ошпазлари учун семинар уюштирилиб, ҳалол таом тайёрлаш қоидалари тушунтирилди. Спорт мусобақалари пайтида ҳалол таом тайёрлашда ишлатиладиган мол ва товуқ гўшти бошқа мамлакатлардан импорт қилинади.



Макрон Франция АҚШ вассали эмаслигини айтди

АҚШ ва Франция тарихий иттифоқдошлар ҳисобланишади, аммо иттифоқдош бўлиш вассал бўлишни аңглатмайди. Франция президенти Эммануэл Макрон шу ҳақда фикр билдирди. "АҚШ тарихий иттифоқдошимиз ва шундай бўлиб қолади. У билан барча хатарларни зиммамизга оламиз, биргалликда энг мураккаб операцияларни ўтказамиз. Бироқ, иттифоқдош бўлиш вассал бўлишни аңглатмайди, — деб айтган Макрон Европа армиясини ташкил этиш гоёсига изох бериш вақтида. — Чунки ўз суверенитетимиз ва Европа суверенитетига ишонманам. Бу нима ни аңглатади? Бу менинг вази фам сизни ҳимоя қилиш, армиямиз фуқароларимизни ҳимоя қилишдан иборатлигини аңглатади". Унинг таъкидлашича, киберхавфсизлик, киберхужумларга қарши курашда, ер, сув, ҳаво ва фазода мустақилликка эга бўлиш лозим. "Буни амалга ошириш учун биз тобе бўлмаслигимиз керак, жумладан, АҚШга. Бъзи соҳаларда биз жуда тобеимиз ва бу яхшимас", — кўшимча қилган Франция етакчиси.



Аввалроқ Макрон АҚШга тобе бўлмаган "Умумевропа армиясини" ташкил этиш гоёсини таклиф қилганди. Бироқ, АҚШ президенти Доналд Трамп Макроннинг умумий армия тузиш таклифини танқид остига олганди.

Ҳадийдада жанглар вақтинча тўхтатилди

Яман армияси порт шаҳар ҳисобланувчи Ҳадийда учун жангларни вақтинча тўхтатди. Бундан мақсад ярадорлар ва гуманитар ташкилотлар ходимларини эвакуация қилишдир. Аини пайтда тинч аҳоли вакилларининг шаҳарни тарк этиши учун йўлак ҳосил қилинган. Яман армияси Ҳадийда ва мамлакатнинг гарбий соҳиллари исёнчилардан буткул тозаланмагунча жангларни давом эттириш ниятида.

Ҳадийда учун жанглар ўтган ҳафта бошланди, Яман армиясига Саудия Арабистони бошчилигидаги халқаро коалиция кўмак кўрсатди.

Эслатиб ўтамиз, Ямандаги уруш 2014 йилдан бери давом этипти.

Рим папаси Марокашга келади

Рим папаси Франциск Марокаш қироли Муҳаммад Vнинг таклифига биноан мазкур мамлакатга сафар қилади. Vatican News хабар беришича, Рим католик черкови раҳбарининг аҳолисининг 99 фоизи мусулмонлардан иборат Марокашга сафари 2019 йилнинг 30-31 март кунларига режалаштирилган. У Рабат ва Касабланка шаҳарларида бўлади.



Папа Франциск бундан аввал ҳам мусулмон мамлакатларга сафар қилган: 2014 йилда Туркияда, 2016 йилда Озарбайжонда ва 2017 йилда Мисрда бўлган.

Шимол ва Жануб — бурилиш онлари

Шимолий Кореянинг Тинчлик бўйича Осиё-Тинч океани кўмитаси раиси ўринбосари Ли Чжон Хёк бошчилигидаги делегация Жанубий Кореяга тинчлик ва фаровонлик масалалари бўйича халқаро форумда иштирок этиш учун етиб келди. "Шимол ва Жануб ўртасидаги муносабатлар бурилиш онларини бошдан кечираётган бу тарихий вақтда Жанубий Корея ерига қадам ташлашдан хурсандман", — деб айтган Хёк Инчхон аэропортида.



Форум Сеул яқинида 16 ноябрда бўлиб ўтади. Делегация таркибига Шимолий Кореянинг беш нафар юқори мартабада мансабдор шахси кирган. Форумда Жанубий ва Шимолий Корея расмий шахсларидан ташқари, Япониянинг собиқ бош вазири Юкио Хатояма ҳам чиқиш қилади.

Афғонистон: ҳарбийлар орасида қурбонлар сони ошмоқда

Афғонистонда охириги тўрт йилда 28,5 мингдан зиёд ҳарбий хизматчи ҳукуматга қарши гуруҳлар билан тўқнашуларда ҳалок бўлган. Бу ҳақда мамлакат президенти Ашраф Ғани маълум қилган. Президентнинг айтишича, 2014 йилда НАТОнинг асосий қўшинлари олиб чиқилганидан кейин афғон ҳарбийлари орасида қурбонлар сони кескин оша бошлаган. У 2001-2014 йилларда айнан НАТО ҳарбийлари Афғонистонда хавфсизликни асрашда асосий рол ўйнаганини таъкидлади.



Аини пайтда Афғонистонда НАТОнинг 16 минг ҳарбий хизматчиси бор, уларнинг асосий вазифаси маҳаллий ҳарбийларни тайёрлаш ва қуруқликда чекланган махсус операцияларни амалга оширишдир.

Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



Николай ХАЙТОВ
(1919–2002)



(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

(ҲИКОЯ)

Николай ХАЙТОВ

эди. Силвинанинг акаларига инсоф бер, деб Худога илтижолар қилдим. Эрталабгача банди ҳолида турдим. Тонгда бувам келди. Эшак тез юрганидан оғзи кўпириб кетибди. Йўлни қисқароқ олиш мақсадида тиканзорни тик кесиб ўтишган шекилли, бувамнинг кийимлари титилибди. Бувам саломимга алик ҳам олмасдан индамай яқинлашиб мени ечиб олди-да, уйга киришти, эшикни тамбалаб қўйди. Чолакampir кўшни хонага киришди. Бу икки хонани юпқагина девор ажратиб турарди. Юқорироқда латта тиқиб қўйилган туйнук орқали уларнинг гапларини бемалол эшитиш мумкин эди.

— Келиндан ажрабмиз! — деди бувам ҳорғин товушда. — Беҳаё акалари унинг ҳали ҳам қиз эканини билиб қолиб, Руфатга икки эчки эвазига сотишибди.

— Энди нима бўлади?
— Нима бўларди...
Руфатга қўшиб қўйишади.
— Ҳеч иложи йўқмикин?

— Қанақанги илож?!
Бегонадан бўлган болани қорнига жойлаган келинни бошимга ураманми? Дурвишевларнинг қони шу топгача бузилмаган, бундан кейин ҳам бузилмайди!

— Энди нима қиламиз бўлмаса?

— Нима қилишни ўзим биламан. Руфат бу дунёга келганига ҳали пушаймонлар ейди. Қўшотарни нақ оғзидан қўяман. Лекин, ҳозир унга тега олмайман. Майли, кайфни суриб юра турсин, чидайман. Аввал Рамадонни уйлаб, боласининг овозини эшитай, кейин...

(Давоми бор)

Тоҳир МАЛИК
таржимаси

Хаётимиз сокин оққан сув каби эди. Лекин, бу сувнинг остида орзуларимизни чилпарчин қилувчи қоялар борлигини пайқабмабмиз. Силвина ҳаммаша уй юмушлари билан банд бўларди. Бувимга қарарди, даладан қайтишимизга овқат тайёрлаб турарди. Уйимиз чиннидек тоза. Ҳовлини гулларга кўмиб ташлади. У чаққон, нозик дидли, озода қиз эди. Ҳар кун олтинранг сочларини тараб, ўрарди. Сал наридан қарасангиз, сочи сариқ эмас, қизилга ўхшаб товланади. Янада узоқроқдан қаралса, соч эмас — тилланнинг ўзи! Менинг маҳлиё бўлиб турганимни пайқаган бувам дарҳол томоқларини қириб, оғохдантириб қўярди.

— Қани, Рамадон, эчкилар очдан ўлмасин тагин. Ҳайда!

Шу эчкилар ҳам баъзан жонга тегарди. Эрталабдан кечгача бошларини ўтдан кўтаришмайди. Эчки зоти жуссаси кичкина бўлгани билан дунёнинг бор ўтини еса ҳам тўймаса керак. Мен жониворларни

ўтлоққа қўйиб юбораман-да яна ширин хаёлга берилиб, Силвинамни ўйлайман. Тезроқ қош қорая қолса-ю уйга қайтсам. Аммо, кўёш аксига олиб қоқ тепамда туриб олади. Ётоғига энай демайди. Бир сакраб қўлимдаги таёқ билан уни туртиб юборгим келади. Баъзан эса туртиб ерга тушириб, кўмиб қўйишни ўйлайман. Фақат тун бўлса-ю тонг сира отмаса дейман. Менга қолса Силвинамнинг ёнида ётаверсам, сочларини силасам... Мен унга Филибадаги катта бозорга борганимизда албатта катта тароқ олиб келаман, деб ваъда қилгандим. Бироқ, ваъдамни бажаролмай, доғда қолдим.

Бир кун бувам билан пичан ўримига бордик. Уйга шошилиб, соғиниб қайтсамки, келин йўқ! Уй ҳувиллаб турибди. Силвинани акалари зўрлаб олиб кетишганмиш. Бувим бечора ночорликдан кўз ёши оқизиб қолаверибди.

Қоним қайнаб кетди. Пичоқнинг дастасини

маҳкам ушлаганимни сезган бувам қўлимни тутти: “Арқонни бер!” — деб бақирди. Бувим эса дарҳол буйруқни бажо келтирдилар. Бувам мени дарахтга маҳкам боғлаб қўйди.

— Эсингни ема, бола! Сен менга тириклайин кераксан. Мен эварамнинг овозини эшитишни истайман. Ҳасан Дурвишев наслининг тугашига йўл қўймайман! Аввал ўзингдан зурриёт қолдир, ана ундан кейин билан ишингни қилавер.

Бувам шундай дедилару эшакка миниб тоғ орти томон йўл олдилар. Сал нари боргач, ўтирилди-да, бувимга қараб бақирди:

— Дурвишевнинг наслини асра! Агар ечиб юборсанг, каллангни оламан!

Бувим чолининг феълини билгани учун бу буйруқни сўзсиз адо этди. Ҳар қанча ялиниб, ёлворсам ҳам ечмади. Юрагим тошиб, ёрилиб кетаётган бўлса-да, бувамнинг қайтишини кутишдан ўзга чорам йўқ

“Бир кун бувам билан пичан ўримига бордик. Уйга шошилиб, соғиниб қайтсамки, келин йўқ! Уй ҳувиллаб турибди. Силвинани акалари зўрлаб олиб кетишганмиш. Бувим бечора ночорликдан кўз ёши оқизиб қолаверибди.**”**

ҚИСҚА ҲИКОЯ

Уч филтр

Файласуф Сукротни бир таниши учратиб қолиб айтди-ки:

— Дўстинг ҳақида нима эшитганимни биласанми?
— Бир дақиқа кут, — деди Сукрот. — Менга бир нима айтишингдан олдин кичик бир синовдан ўтишингни истайман. Бу уч филтр синови дейлади.

— Уч филтр?

— Тўғри эшитдинг, — деб давом этди Сукрот. — Мен билан дўстим ҳақида гапиришдан олдин бир муддат тўхтаб нима дейишини филтр қилиш, яхши фикр бўлиши мумкин. 1-филтр “ҳақиқат филтри”.

— Менга айтмоқчи бўлганинг ҳақиқат эканига амин-мисан?

— Йўқ, — деди ҳалиги киши, — аслида фақат эшитгандим ва...
— Бўпти, — деди Сукрот. — Ундай бўлса, сен буни ҳақиқатан рост ёки ёлғон эканини билмайсан. Энди 2-филтрга ўтамиз. “Яхшлик филтри”га:

— Дўстим ҳақида менга айтмоқчи бўлганинг яхши нарсани?

— Йўқ, умуман акси...

— Ундай бўлса давом этамиз. У ҳақида менга ёмон нарсани айтмоқчисан ва буни ростлигига амин эмассан. Лекин, яна бир синов қолди. “Фойдалилик” синови.

— Дўстим ҳақида айтмоқчи бўлганинг менинг ишимга ярайдими, фойда берадими?

— Йўқ.

— Агар айтмоқчи бўлганинг рост бўлмаса, яхши бўлмаса, ишга яроқли, фойдали бўлмаса нимани айтмоқчисан менга?!

Туркчадан Марям ОСИЁ таржимаси

Сизни ўйлашга мажбур этадиган китобларгина энг нафли китоблардир.

ПАРКЕР



Агарда биз оддий ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Қишнинг совуқ кунлари бошланиши билан хоналарни иситишга эҳтиёж ҳам ортиб боради. Мамлакатимизнинг кўплаб фуқаролари ҳали қиш келмасидан аввал иситиш мавсумига тайёргарлик кўриб, қишдан беталафот чиқишга ҳаракат қиладилар. Лекин, ҳамма ҳам бу муҳим мавсумга пухта тайёргарлик кўрмайди ёки ҳаммада ҳам бундай имконият бўлавермайди. Баъзилар эса шунчаки ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмайдилар. Натijaда жонимизга ора кириб, беминнат дастёримиз ҳисобланган олов тилсиз ёвга айланади.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари жойларда фуқаролар билан учрашувлар ташкил қилиб, хавфсизлик қонун-қондалари ҳамда уларга риоя қилиш бўйича тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларига ҳам катта аҳамият берилган. Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгинга қарши курашни кучайтириш, ёнгинларнинг олдини олишга уларни жалб қилишдан иборат.

Аҳоли қуйидаги ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- очиқ алангадан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўринг.
- электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутинг ва носоз, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланманг.

Юқоридагига ўхшаш қондаларга риоя қилинса, ҳар бир фуқаро йиллаб йиққан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса, ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади.

Афсуски, айрим фуқароларимизнинг қўлбола ясалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланиш ҳоллари ҳамон учраб турибди, натижада нафақат уйларида, балки ўз ҳаётларидан ҳам ажралиб қолмоқдалар. Агарда биз оддий ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Болалар бизнинг келажагимиз, уларни асраб-авайлашга жавобгармиз. Шундай экан, ҳар биримиз қаерда бўлсак ҳам улардан насихатимизни, ҳаёт учун керакли сабоқларимизни аямайлик.

Зафар МУРАМЕТОВ,
ёнгин хавфсизлиги бўлинма бошлиғи, майор

ОНЛАЙН ТИЗИМ

Ўзбекистонда барча спорт иншоотларининг онлайн мониторинг тизими яратилди

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Ўзбекистондаги барча спорт иншоотлари ҳақидаги маълумотлар жамланган онлайн тизим яратилди. Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати маълум қилди.

Вазирликнинг stat.sport.uz домени остида ахборот тизими ишлаб чиқилди. Ушбу тизим орқали айни вақтда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида қурилиш-таъмирлашда объектнинг шартнома қиймати, молиялаштирилган маблағлари, бажарилган ишлар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, ҳар бир амалга оширилган ишлар юзасидан фотосуратлар ҳамда изоҳларни онлайн кузатиб бориш имкониятидан фойдаланиш мумкин.

Шу билан бирга, ушбу тизим орқали Республика инвестиция дастури ҳамда Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан спорт иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектларнинг кунлик мониторинги;

– республикада фаолият кўрсатаётган барча спорт иншоотлари ва муассасалари ҳақида маълумот;

– мураббийлар, таълим муассасалари жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг (инструктор) сифат таркиби мониторинги ва таҳлили ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Онлайн мониторинг тизими вилоят ва туманлардаги ишларнинг боришини кузатиш, таъмир ва қурилиш ишлари режаларининг бажарилиши бўйича ҳудудлар рейтингини тузишга имкон яратади.

ФУТБОЛ

ОЧЛ-2019. Ўзбекистон чемпиони "В" гуруҳидан жой олади

22 ноябр куни кейинги йил учун ОЧЛ ва ОФК Кубоги баҳсларига қуръа ташланади.

ОФК вакиллари одатдагидек қайси гуруҳда қайси мамлакат клублари ўйнашини аввалдан ҳал қилиб қўйишди. Бу орқали битта гуруҳда бир мамлакат клублари ҳеч қанақасига тўқнаш келмаслигини таъминлашади.

2018 йилги Ўзбекистон чемпиони янги мавсум Осиё чемпионлар лигасида "В" гуруҳидан жой олади. Ушбу гуруҳда Саудия Арабистони ва БАА клублари бўлиши аниқ. Сўнгги жамоа плей-оффдан сўнг маълум бўлади.

Ўзбекистон вице-чемпиони бўлган клуб Ироқнинг "Эйр Форс" ва БААнинг "Ал-Наср" клубларини мағлуб эта олса, "D" кватртетидан жой олади. Бу гуруҳда Эрон, Қатар ва Саудия Арабистони клублари бор.

Ниҳоят, Ўзбекистон кубоги соҳиби АГМК клуби агар "Истиқлол" (Тожикистон) ва "Ал-Наср" (Саудия Арабистони) клубларини мағлуб этса "А" гуруҳида ўйнайди. Ушбу гуруҳда БАА ва Ироқ клублари бўлиши аниқ. Яна бир жамоа номи плей-офф босқичидан сўнг маълум бўлади.

ПРОФБОКС

Икки боксчимизда ғалаба, Исроил Мадримов эса стартагга энди қўшилди

Профессионал боксда фаолият олиб бораётган Шоҳжаҳон Эргашев 15-жангида рақибини 1-раундда нокаутга учратди.

Унинг рақиб — америкалик Зак Рэмзи.

Шоҳжаҳон мuddатидан олдинги ғалабалари сонини 14тага етказди.

Яна бир вакилимиз — профбоксдаги 3-жангини ўтказган Элнур Абдураимов ҳам рақибини 1-раунддаёқ нокаут қилди

Россиянинг Екатеринбург шаҳрида жойлашган РМК академияси спорт саройида бўлиб ўтган жангда Элнурга бразилиялик Аэлио Мескита рақиблик қилди.

Бокс бўйича Осиё ўйинлари ва Осиё чемпионати ғолиби Исроил Мадримов ҳам фаолиятини профессионал боксда давом эттирадиган бўлди. Бу ҳақда спортчи ўзининг Instagramдаги саҳифасида маълум қилди.

Кайд этилишича, Мадримов Россиянинг "Миr Бокс" промоутерлик компанияси билан келишувга эришган.

Исроил профессионал боксдаги дебют жангини 24 ноябр кунни Атлантнк-Сити шаҳрида ўтказди. Ўша кунни унга Виктор Эрнандес рақиблик қилади. Эрнандес шу кунга қалар профессионал боксда 12та жанг ўтказиб, уларнинг 10тасида ғалаба қозонган (6та жангда нокаут эвазига). Икки марта маелубиятга учраган.



ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 340-ф-сонли фармойишига асосан Жамоат фонди ҳисоб рақамига 2018 йил 9 ноябрда "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК томонидан 10 000,0 минг сўм, АТ "Алоқабанк" томонидан 37 500,0 минг сўм, 2018 йил 12 ноябрда "АЛСКОМ" сугурта компанияси томонидан 8 300,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Ҳомийлик пули "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2018 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин!

"Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси" жамоат фонди ва Алоқа тарихи музейи жамоаси фонд директори Равшан Асқаровга фарзанди **Ойбек АСҚАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси меҳнат фахрийси **Зубаржад БЕКТАГИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси мазкур университет "Компютер тизимлари" кафедраси профессори, техника фанлари доктори **Ришат УСМАНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Интернет уммонидан дурлар теринг, азизлар!



Замон шу даражада шиддат билан ўзгаряптики, бугун телефон тутмаган кўл, компьютер, планшетлар кирмаган хонадон қолмади. “Жаҳон ўргимчак тўри” деб аталувчи интернет-ку деярли ҳаммининг ҳамроҳи. Ундаги маълумотларни ўқиб, дунё янгиликларидан, саломатлигимизни мустаҳкамлашга оид тавсиялар ва бошқа муҳим маълумотлардан хабардор бўламиз.

Интернет имкониятлари шу даражага етдики, Ўзбекистонда яшаб, ҳатто олис океанорти мамлакатидagi кутубхонадан фойдаланиш мумкин бўлиб қолди. Бу интернетдек улкан уммондан дурлар териш билан баробар. Лекин ҳамма ҳам

дур териш билан машғулми, ўзи, ота-онаси, жамият учун зарарли бўлган ишлар билан шуғулланмаяптими?

Имом Заҳабий “Ас-сияр” китобида зикр қилади:

Яхё ибн Яхё Ал-лайсий ҳамроҳлари билан бирга устози Имом Молик ҳузурда ўтирганида, “Мадинага фил келибди” деган овоз келиб, ҳамма шогирдлар филни томоша қилгани чиқиб кетишди. Сабаби, Мадина аҳли филни кўрмаган, унинг қандайлигини тасаввур ҳам қила олмас эдилар. Имом Моликининг олдида фақат Яхё ибн Яхё қолди, холос.

Шунда Имом Молик у кишидан:

— Сен нега филни кўргани чиқмадинг? Ёки аввал кўрганмисан? — дея сўради.

Яхё айтди: — Мен Мадинага филни кўргани эмас, устоз Моликдан илм ўрганиш мақсадида келганман.

Шундан сўнг Имом Молик бу шогирдига қаттиқ қизиқиб, ҳурматини жойига қўйган экан.

Замонлар ўтиб, филни кўришга кетган шогирдлардан асар ҳам қолмади, аммо Моликини кўргани келган шогирд зикри 1300 йилдан бери китобларда яшамоқда.

Демоқчи бўлганим, ҳаётда бирор соҳада муваффақиятга эришмоқчи бўлсангиз, мақсадингиз нималигини бир лаҳза ҳам ёдингиздан чиқарманг!

Атрофдан ўтган ФИЛЛАРга чалгиманг, зеҳн тарқоқлигиндан огоҳ бўлинг.

Аслида филни томоша қилиш гуноҳ эмас, лекин шогирдлар бу ерда асосий мақсаддан чалгидилар.

Бугун илм ёки иймон мақсадида интернетга кирган, ижтимоий тармоқларга бош суққан киши қўлига алоқа воситасини тутганида ўз гоёси, мақсаидан чалғиб қолмаяптими? Ахир унинг нияти илмини бойитиб, юқори натижаларга эришиш, юрт ривожига муносиб улуш қўшиш эмасмиди?

Интернет тармоқларидаги инсон маънавиятига, саломатлигига салбий таъсир қилувчи, асосий мақсаидан чалгитувчи ёлғондан иборат сайтларга кириб, вақтингизни беҳуда ўтказманг, азизлар!

Бу уммондан фақат дуру жавоҳирлар териш, эзгу мақсадлар сари интилинг!

Дилором РАҲИМОВА,
фахрий муаллима

ЛУҚМОНИ ҲАКИМДАН СЎРАДИЛАР:

- Одамларнинг доноси ким?
- Ҳаёт ташвишларидан дилтанг бўлмагани.
- ***
- Одамларнинг қудратлиси ким?
- Ақли комил бўлгани.
- ***
- Ул қандай оловки, ўз ёқувчисини куйдиради?
- Ҳасад.
- ***
- Ул қайси биноки, ҳеч хароб бўлмас?
- Аллоат.
- ***
- Ул қандай аччиқликки, охири ширин бўлур?
- Сабр.
- ***
- Ул қандай ширинликки, охири аччиқ бўлур?
- Тезлик.
- ***
- Ул қандай беморликки, табиблар унинг муолажасидан оқиздир?
- Аҳмоқлик.

САЛОМАТЛИК

Кўзларингиз чарчадимми?

Компютерда узоқ ўтириш ҳар қандай одамнинг ҳам кўзларини чарчатаяди. Бундай пайтда кўзлар қуруқшаб, ачишади. Мутахассисларнинг фикрича, қўйдаги тавсияларга амал қилиш кўз толиқшининг олдини олади.

■ Аввало, мониторингизни кўзларингизга қулай сошлаб олинг. Улар орасидаги масофа мониторинг ўлчами ва техник жиҳатларида боғлиқ бўлиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам 40 см дан яқин бўлмаслиги зарур. Шунингдек, экран ёруғлиги, шрифтларнинг катта-кичиклигига ҳам алоҳида эътибор қаратишни унутманг.

■ Хонадаги ёрқин чироқнинг акси компютерга тушиши

ҳам кўзингиз толиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун узоқ вақт ишлаганда, хонани илиқ рангларда ёритган маъқул.

■ Компютердан вақти-вақти билан нигоҳингизни узиб, бошингизни буриг ва хонадаги бирор нарсага бир-икки дақиқа қараб туринг. Ҳеч бўлмаса, деразага қаранг. Кўзларингизни пир-пиратиш ҳам озроқ дам беради.

■ Камида ҳар бир ярим-икки соатда беш дақиқага та-наффус қилинг. Бу вақтда қўйдаги машини бажаринг: бошни бурмасдан кўзларни иложи борича тепага, пастга, ўнг ва чапга қаратинг. Сўнг кўзларингиз билан горизонтал шаклдаги 8 рақамини чизинг. Бу машқлар-

ни кўзларни юмиб бажарса ҳам бўлади.

■ Ишингиз қанча кўп бўлса ҳам, саломатлигингиз муҳимлигини унутманг. Ўрингиздан туриб, бироз юринг. Тоза ҳавога чиқиш имконияти бўлса яна ҳам яхши. Сайр нафақат кўзлар учун, балки доим ўтириб ишлаш натижасида келиб чиқувчи умуртқа ва ортиқча вазн муаммоларида ҳам фойдалидир.

■ Кўзларнинг кизаришига қарши кўз шиллик қаватини намлантирувчи ҳар қандай томчидан фойдаланиш мумкин. Кўзлар учун махсус витаминлар ҳам бор. Бунинг учун шифокор билан маслаҳатлашишингизга тўғри келади, албатта.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шўҳрат СОДИҚОВ (Ҳайбат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОЕВ, Лутфилло
ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,
Толлимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Усмоғжон ЙЎЛДОШЕВ.



Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чикади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Мавзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1143 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алади: 2790 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилган вақти — 24.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда Бухорода Жиззахда Наманганда Навоийда Нукусда Самарқандда Термизда Тошкентда Урганча Фарғонада Қаршида
226-47-80 (0365)600-87-21 (94) 199-95-64 (91) 353-71-25 225-91-10 554-35-45 (91)557-84-44 (91)235-88-68 291-43-28 (97) 211-65-05 244-18-05 (93)931-08-99